БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 171 (918)

27 АВГУСТ СЕШАНБА 1957 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

БУГУНГИ СОНДА:

Ўзбекистон ССР ғалла тайёрлаш ва харид қилиш планини муддатидан илгари бажарди (1-бет).
К. Е. Ворошилов президент Хо Ши Минни қабул қилди (1-бет).
ВЦСПС Президиумида (1-бет).
Областимизда (1-бет).
Меҳнаткашлар депутатлари Янгиер шаҳар Советига сайлов (1-бет).
УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН **А. Раззоқов.** — Қирқ йил ичида Ўзбекистонда пахтачиликнинг ривожланиши (2-бет).
СОВЕТ ҚУРИЛИШИ. **З. Ахтямова.** — Доимий комиссияларнинг ташаббуси билан (2-бет).
Ҳар туп ғўзада мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил бўлсин! (3-бет).
ТОШКЕНТЛИКЛАР АНДИЖОН ОБЛАСТЬ ДАЛАЛАРИДА **У. Жонгитов.** — Мусобақадошларга тенглашингиз (3-бет).
Чет элларда (3-бет).
ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ДЕКАДАСИ ОЛДИДАН. **Яшин.** — «Йўлчи Юлдуз» (4-бет).
Миср журналистлари делегациясининг Ўзбекистонда бўлиши (4-бет).

Хотин-қизлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтирайлик!

Коммунистик партия ҳамда ҳукуматимизнинг ҳамиша ва бениҳоя катта ғамхўрликлари билан қуршаб олинган совет хотин-қизларининг бутун фаолияти мамлакатимизда коммунизм қуриш учун олиб борилаётган умумхалқ кураши манфаатлари билан чамбарчас боғлангандир. Халқ хўжалигимизнинг бирон соҳаси йўқки, унда хотин-қизлар актив иштирок этмаётган бўлсин.

Бепоён ватанимизнинг ҳамма жойида — завод ва фабрика цехларида, қурилиш объектларида, колхоз, совхоз далалари ва чорвачилик фермаларида, мактаблар, олий ўқув юртлари ва илмий-текшириш муассасаларида, театрлар, клублар ва кутубхоналарда кўп сонли хотин-қизлар эркаклар билан ёнма-ён туриб ишламоқдалар, ўз ташаббуси, ғайрати ва ақл-идрокини кўрсатиб, халқимизнинг ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.

Совет ҳокимияти йилларида хотин-қизларнинг халқ хўжалиги ва маданиятни ривожлантириш соҳасидаги роли ғоят ортди. Улар орасидан ишлаб чиқариш новаторлари, фан, маданият ходимлари ва давлат арбоблари етишиб чиқмоқда. Бутун мамлакат бўйлаб Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 40 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўрилаётган шу кунларда хотин-қизларимиз Ватанимиз куч-қудратини мустаҳкамлаш, коммунистик мўл-кўлчилик яратиш, фан ва маданиятни янада гуллаб-яшнатиш ишига ўз муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Хотин-қизлар билан ишлаш, уларни ўстириш ва сиёсий жиҳатдан тарбиялаш масаласи идеология ишларининг ажралмас қисмидир. Областимиздаги партия ташкилотлари кейинги йилларда хотин-қизлар ўртасида олиб борилаётган сиёсий-тарбиявий ишларни бир мунча яхшиладилар, хотин-қиз кадрларнинг ўз касбларида самарали ишлашлари учун зарур шарт-шароит яратиб беришда анча иш қилдилар.

Лекин ҳамма жойда ҳам хотин-қиз кадрларни тарбиялаш, ўстириш ҳақида етарли ғамхўрлик қилинаётир, деб бўлмайди. Бир қатор шаҳар ва район партия комитетлари хотин-қизларни сиёсий жиҳатдан тарбиялаш ва раҳбарлик лавозимларига кўтаришнинг аҳамиятига етарли баҳо бермаётирлар. Бу муҳим иш кўпинча кампаниячилик усулида олиб борилмоқда. Хотин-қизлардан колхоз раислари, агрономлар, бригада бошлиқлари, мактаб директорлари, клуб, кутубхона мудирлари ва савдо ходимларининг камлиги район партия, совет ташкилотлари, республика қишлоқ хўжалик, маориф, маданият ва савдо министрликлари ҳамда уларнинг жойлардаги органларининг бу муҳим масала билан жиддий шуғулланмаётганликларини кўрсатади. Шундай бир мисолни кўрсатиб ўтишнинг ўзи кифоя. Масалан, областимизнинг Орджоникидзе, Оққўрғон, Бўёвут, Паркент, Октябрь, Верхне-волинск, Гулистон ва бошқа бир қатор районларида хотин-қизлардан биронта колхоз раиси ёки партия ташкилоти секретарининг йўқлиги жуда ажабланарли бир ҳолдир.

Ўтмишнинг сарқитларига қарши кураш олиб бормаслик, хотин-қизларга нисбатан бой феодалларча муносабатда бўлиш фактлари, уларнинг куч ва қобилиятини менсимаслик ҳоллари ҳали ҳам учраб туради. Партия, совет, комсомол, касаба союз ва жамоат ташкилотлари хотин-қизлар тўғрисида ғамхўрликни кучайтиришлари, уларга нисбатан бой-феодалларча муносабатда бўлувчиларга қарши кескин кураш олиб боришлари керак.

Интеллигенция армиясининг катта қисмини хотин-қизлар ташкил этади. Улардан минглаб врач, агроном, ўқитувчи ва бошқа ихтисос эгалари ишлаб турибди. Лекин шундай фактлар ҳам борки, махсус ўқув юртларини тамомлаб чиқаётган хотин-қизлардан баъзилари ўз ихтисослари бўйича ишламайдилар, ўқишни тугаллаганларидан кейин уй-рўзғор ишлари билан банд бўлиб қолмоқдаларки, буни асло нормал бир ҳол деб бўлмайди.

Вазифа—бу соҳадаги камчиликларни узил-кесил тугатиб, хотин-қизлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтиришдан, раҳбарлик лавозимларига дадиллик билан кўтариб, уларнинг қобилиятини ўстиришдан иборат. Шу билан бирга хотин-қизларни жамоат ишларига тортиш партиявий-сиёсий ва тарбиявий ишларнинг асосий қисми бўлиши лозим. Бунинг учун биринчи навбатда уй ишлари билан ўралишиб қолаётган хотин-қизларни жамоат ишларига тортиш, болали оналарнинг самарали ишлашлари учун қулай шароит яратиб бериш, болалар яслилари ва боғчалари тармоқларини кенгайтириш ва уларнинг ишини яхшилаш зарур.

Ҳозир область мактабларида 140 мингга яқин қиз таълим олмоқда. Лекин фактлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳали ҳам мактаб ёшидаги анча қизлар, айниқса ўзбек қизлари ўқишдан четда қолаётирлар. Ҳатто айрим қолоқ ота-оналар орасида ёш қизларни эрга бериб юбориш ҳоллари содир бўлмоқда. Чунончи, Сирдарё районидаги 7 ўрта мактабда ўқиб турган 30 дан ортиқ қиз шу ўқув йили давомида ўрта мактабни тамомламасдан ўқишдан кетиб қолган. Район партия, совет ва жамоат ташкилотлари бу кўнгилсиз аҳволдан хабардор бўлганлари ҳолда ҳамон бетарафлик позициясида туришни давом эттирмоқдалар.

Партия ташкилотларининг хотин-қизлар орасида олиб бораётган сиёсий-тарбиявий ишлари уларни мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш ишига кенг жалб қилишга қаратилмоғи керак. Хотин-қизларни раҳбарлик ўринларига дадиллик билан кўтариш, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, қобилиятларини ўстириш ва кунт билан тарбиялаш — маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг бевосита бурчидир.

ВЦСПС ПРЕЗИДИУМИДА

Касаба союзларининг молиявий фаолиятида янгилик

ВЦСПС VI пленумининг касаба союзлари советлари ролини ошириш ва уларга кўпроқ ҳуқуқлар бериш тўғрисидаги қарорига мувофиқ, ВЦСПС Президиуми областларда, ўлкаларда ва республикаларда касаба союзларининг ўз маблағлари ва давлат социал страхованиеси маблағлари соҳасида касаба союз ташкилотларининг бутун молиявий фаолиятига раҳбарликни (планлаштириш, ҳисоб-китоб, контроль) 1958 йил январидан бошлаб касаба союз советлари амалга оширишлари лозим, деб қарор қилди.

Молиявий ишга доир масалаларда фабрика-завод ва маҳаллий комитетларга ортиқча васийликни бартараф қилиш мақсадида белгилаб қўйилдики, фабрика-завод ва маҳаллий комитетларнинг сметалари бўйича олинадиган даромадлар, шунингдек маданий-тарбиявий тадбирлар, ўқув-спорт ишлари, оммавий физкультура тадбирлари, касаба союз аъзоларига моддий ёрдам бериш, кутубхоналар учун жиҳозлар ва китоблар сотиб олиш ва бошқа тадбирлар учун ажратмалар ҳар бир коллективнинг хусусиятларини ҳисобга олиб, бошланғич касаба союз ташкилотларининг умумий йиғилишларида (конференцияларида) тасдиқланади.

Шунингдек белгилаб қўйилдики, тушадиган касаба союз аъзолик взносларининг асосий қисми касаба союзларнинг фабрика-завод, шахта, қурилиш, маҳаллий комитетлари ихтиёрида қолади ҳамда биринчи навбатда маданий-оммавий ишларга, физкультура ва спортни ривожлантиришга, ишчи ва хизматчиларнинг маиший эҳтиёжларини қондиришга сарфланади.

ВЦСПС Президиуми касаба союз советлари зиммасига республика, ўлка, область касаба союз комитетларининг сметаларини тасдиқлаш вақтида уларни сақлаш учун минимал харажатлар қилинишини кўзда тутиш ҳамда фабрика-завод комитетларидан уларнинг аъзолик взносларидан тушган маблағларининг белгиланган миқдоридан ташқари маблағлар олинишига йўл қўймаслик вазифасини юклади.

(ТАСС).

Ўзбек тили ўқитишни яхшилаш юзасидан республика конференцияси

26 август куни Тошкентда, Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида мактабларда ўзбек тили ўқитишни яхшилаш масалалари юзасидан республика конференцияси очилди. Конференция қатнашчилари орасида мактабларнинг ўқитувчилари ва директорлари, республикадаги илмий ташкилотлар ва олий ўқув юртларининг вакиллари, Россия Федерацияси, Тожикистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Туркманистон, Қирғизистондан келган меҳмонлар бор.

Биринчи ялпи мажлисда Ўзбекистон ССР Маориф министри Э. Қодировнинг «Республика мактабларида ўзбек тили ўқитишнинг аҳволи ва уни яхшилаш тадбирлари» тўғрисидаги доклади ва Тошкент педагогика институтининг доценти А. Ғуломовнинг «Ўзбек тилшунослигининг ҳозирги аҳволи ва мактабда тил ўқитиш вазифалари» тўғрисидаги доклади тингланди.

Конференциянинг ишларида Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. А. Муҳитдинов, республика Министрлар Советининг раиси С. К. Камолов, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари М. А. Абдураззоқов, республика Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари М. М. Мусохонов, Ё. С. Насриддинова, Тошкент область партия комитетининг секретари С. Н. Нуриддинов ҳамда республика партия ва совет ташкилотларининг бошқа раҳбар ходимлари иштирок қилмоқда. (ЎзТАГ).

Украина кинофильмларининг фестивали

Ўзбекистон пойтахтидаги «Искра» кинотеатрида 26 августда Украина кинофильмлари фестивалининг тантанали очилиш маросими бўлди. Ҳозир бўлганлар азиз меҳмонларни — тамошабинлар билан учрашув учун Тошкентга келган украин санъат усталари делегациясининг аъзоларини самимий табрикладилар.

Фестиваль репертуарида Киев ва Одесса студияларининг кейинги вақтда яратган энг яхши қуйидаги асарлари бор: «Координатлар номаълум», «Зўр машаққатлар билан», «Бедарак кетган», «Биринчи муҳаббат қиссаси», «300 йил муқаддам», «Иван Франко» (ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР ғалла тайёрлаш ва харид қилиш планини муддатидан илгари бажарди

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XX съездининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш тўғрисидаги тарихий қарорларини амалга ошира бориб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллигини муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўриб, ғалла тайёрлаш давлат планини (шолидан бошқа) 100,3 процент қилиб муддатидан илгари бажардилар. Ҳамма топширилган ғалладан асосий овқат учун кетадиган буғдой 76 процент тайёрланди. Давлатга ғалла топшириш ва сотиш давом этмоқда. Ўзбекистон ССР шунингдек қоракўл териси тайёрлаш йиллик планини 103,6 процент, пилла тайёрлаш йиллик планини 100 процент, тухум тайёрлаш ва харид қилиш планини — 102 процент қилиб бажарди. Республикада чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ҳамда яқин орада сут, гўшт ва жун тайёрлаш ва харид қилиш йиллик планини бажариш чоралари кўрилмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг эркак ва аёл колхозчилари, МТС ва совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, партия ва совет органлари бу йил давлатга камида 3 миллион тонна пахта топшириш юзасидан олинган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида пахта ҳосилини тўплаш учун бор кучларини сафарбар қилмоқдалар.

К. Е. ВОРОШИЛОВ ПРЕЗИДЕНТ ХО ШИ МИННИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

26 августда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов ўз юртига жўнаб кетаётиб СССРда тўхтаган Вьетнам Демократик Республикасининг президенти Хо Ши Минни қабул қилди.

Қабул вақтида дўстона, самимий суҳбат бўлиб ўтди.

Суҳбатда: Вьетнам Меҳнаткашлар Партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Хоанг Ван Хоан, ВДР Маданият министри Хоанг Минь Зиам, ВДР Соғлиқни сақлаш Министрининг Ўринбосари Фам Нгок Тхак, Вьетнам Демократик Республикасининг СССРдаги Элчиси Нгуен Ван Кинь ҳозир бўлдилар.

Совет томонидан суҳбатда: СССР Олий Совети Президиуми Раисининг Ўринбосари М. Д. Чубинидзе, СССР Ташқи ишлар Министрининг Ўринбосари В. В. Кузнецов, СССРнинг Вьетнам Демократик Республикасидаги Элчиси М. В. Зимянин, СССР Ташқи ишлар Министрлиги Шарқи-Жанубий Осиё Бўлимининг Мудири Б. М. Волков ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

Областимизда

«Автотрактородеталь» заводининг токари ўртоқ Н. Новиков Октябрнинг 40 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, смена топшириғини 300 процентга етказиб бажармоқда. **Суратда:** ўртоқ **Н. Новиков** иш устида.

Э. Погорельченко фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Колхоз қишлоғи обод бўлмоқда

ЯНГИЙЎЛ районидаги Ленин номли колхоз қишлоғининг қиёфаси сўнгги 2-3 йил ичида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Қишлоқни ободонлаштириш юзасидан катта ҳажмда қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Масалан, колхоз бешинчи беш йилликда қурилишларга 3 миллион 850 минг сўм сарфлаган бўлса, олтинчи беш йилликнинг дастлабки икки йили ичида 4 миллион 862 минг сўм сарфлашни планлаштирди. Бултур ўрта мактаб, касалхона, ғишт заводи, ёзлик сигирхона, бузоқхона, ҳаммом, дурадгорлик устахонаси қуриб битказилди. Бу қурилишларнинг ҳаммасига 1 миллион 862 минг сўм сарфланди.

Ҳозир колхознинг генерал плани бўйича қишлоқ марказида 1000 ўринлик клуб, правление биноси, тракторчилар учун учта дала шийпони қурилмоқда. Бундан ташқари, колхоз правлениеси қишлоқ меҳнаткашлари учун 2-4 хонали 18 та типовой уй қуряпти. Бу уйлар Октябрь байрамигача битказилиб, колхознинг донгдор кишиларига совға қилинади.

Колхозда қурилган ғишт заводи қурилишларнинг ҳаммасига етарли миқдорда пишиқ ғишт тайёрлаб бераётир. Завод бу йил 2 миллион дона ғишт ишлаб чиқаради. Яқинда завод қошида черепица цехи қурилиб, ишга туширилди. Цех ҳар куни 700-750 дона черепица тайёрламоқда. Цех йил охиригача 100 минг дона черепица тайёрлаб беради.

Т. НИШОНБОЕВ.

РЕПОРТАЖ. Янги институтда

Шарқшунослик институти янги ўқув йили тараддудида. Бу ер ҳар куни студентлар билан гавжум бўлади. Уларнинг баъзилари янги дарс жадвалини ёзиб олса, баъзилари зарур дарслик китоблари рўйхати билан танишади; яна айримлари юқори курс студентларидан қуйи курсда қандай предметлар бўйича лекциялар бўлганлигини қизиқиб сўрайди. Айниқса, дарс жадвали осиб қўйилган хонага кираверишда тўпланиб турган ёшларнинг қувончи чексиз. Кейин билсак, бу йигит ва қизлар институтнинг биринчи курсига янги қабул қилинган студентлар экан.

Институт партия ташкилотининг секретари ўртоқ А. Ғаниев бизни бу ёшлар даврасига бошлаб борди. Биз улар билан суҳбатлашдик.

— Кириш имтиҳонлари қийин бўлмадими?

— Қийинликка-ку, қийин-а, — деди А. Толибоев, — бироқ кунт билан дарс тайёрлаб, кўрсатилган адабиётларни ўқиб чиққан кишига нимаси қийин! Биз ана шундай қилдик. Коллектив бўлиб дарс тайёрладик. Билмаганларимизни бирбиримизга ўргатдик.

— Ўртоқ В. Левкина рус тилидан яхши ёрдам берди, — сўзга аралашди А. Шоматов, — ўзи ҳам кириш имтиҳонларининг ҳаммасидан аъло баҳо олди.

Шунда биз ўртоқ Левкинанинг қайси мактабни тугатганлиги билан қизиқдик. У, Украинада 1954 йилда ўрта мактабни тугатган экан.

— Мен шу йили кузнец-металл комбинатига ишга кирдим, — ҳикоя қилди у, — мени комбинатнинг юпқа тунука тайёрлаш прокат цехига ҳисобчи қилиб олишди. Айни вақтда цех комсомол ташкилотининг секретари вазифасида ишладим. Мен ёшлигимданоқ шарқ тилларини ўрганишга қизиқар эдим. Мана, институтга ҳам кирдим.

— Шарқ тилларидан қайбирини кўпроқ севасиз?

— Хитой тилини, — жавоб берди у, — бу тилда бироз гаплаша оламан ҳам. Дугонам Н. Олимбоева хитойча ёзишни ўргатмоқда.

— Ўртоқ Олимбоева шу институтда ўқийдими?

— У ҳам бу йил ўқишга кирди. Н. Олимбоева ҳам шу ерда экан. У биз билан русча сўзлашди.

— Тошкентга Хитойдан 4 киши бўлиб келганмиз, — деди у, — Ю. Ғозиев, М. Кабатовалар ўрта мактабни аъло баҳолар билан тамомлашган эди. Кириш имтиҳонлари ҳам муваффақиятли бўлди.

Институт студентлари бу йил 4 қаватли янги бинога эга бўлишган. Ҳамма хоналар сифатли ремонтдан чиқарилган. Фақат ремонт қилиш ва ўқув инвентарлари учун 140 минг сўм сарф этилган.

Мана, ҳинд филология бўлими кафедраси. Бу ерда кафедра мудири ўртоқ М. М. Хардат альбомга қандайдир ҳиндча сўзларни ёзиш билан банд. Жовонда ҳиндча китоблар.

Ҳамроҳимиз бизни ўртоқ Хардат билан таништирди.

— Ҳинд тили дарслигини ёзиб тугатдим, — деди у бизга, — яқинда босмадан чиқиб қолади.

— Бу дарслик олий ўқув юртлари студентларига мосланганми?

— Китобдан студентлар ҳам фойдаланиши мумкин. Лекин мен бу дарсликни ҳинд тилини ўрганаётган ўрта мактаб ўқувчилари учун тайёрладим. Ҳозир эса олий ўқув юртлари студентлари учун дарслик ёзаяпман. Тайёр бўлиб қолди.

Институтда ўртоқ М. Хардат сингари шарқ тилларидан дарс берувчи ўқитувчилар кўп. Б. Холидов, Табабоби каби ўқитувчилар араб, форс тилларидан дарс беришади.

Тошкентда — В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети базасида янги шарқшунослик институтининг очилиши маданий ҳаётимизда катта воқеадир.

— Янги ўқув йилидан бошлаб Шарқ мамлакатларининг экономикаси, давлат тузилиши, этнографияси, моддий-маданий тарихи сингари предметлар атрофлича ўтилади, — деди А. Ғаниев янгиликлар тўғрисида гапириб, — студентлар институтни тугатиш олдидан Шарқ мамлакатларига бир йиллик ишлаб чиқариш практикасига юборилади. Шунинг учун ўқиш муддати 6 йил бўлди.

— Бу йил институтга қанча ўқувчи қабул қилинди?

— Биринчи курсда 50 студент ўқийди. Қабул қилинганларнинг кўпчилиги 2-3 йиллик ишлаб чиқариш малакасига эга бўлган ёшлардир. Шу йилдан бошлаб институт ҳузурида аспирантура очилади.

Биз институтнинг кутубхонасида ҳам бўлдик. Бу ерга Хитой, Ҳиндистон сингари мамлакатларда чиқадиган журнал ва газеталар келтириб турилар экан.

А. АЛИЕВ.

Қорасув районидаги Ленин номли колхозда бу йил мева ҳосили мўл бўлмоқда. **Суратда:** колхозчи ўртоқ Озода **Файзиева** Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига юбориш учун анжир узаётир.

Х. Хайтмуҳамедов фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Оҳангарон ГРЭС қурилишида

РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАРНИНГ ТАКЛИФЛАРИ

Рационализатор-дурадгор Покровский каналнинг четларини бетонлашда ополубкаларнинг ёғоч мустаҳкамлагичларини металл билан алмаштиришни таклиф этди. Бунинг натижасида 25 кубометр ёғоч иқтисод қилинди ва ополубкаларни ўрнатиш суръати оширилди. Шунингдек, слесарлар Сальников, Беер, участка бошлиғи Гайнов ва бошқа рационализаторларнинг таклифларини амалга ошириш туфайли қурилишда ҳар йили ярим миллион сўмликка яқин маблағни тежаш мумкин.

ҚУРИЛИШГА БУТУН МАМЛАКАТ ЁРДАМ БЕРМОҚДА

Бу ерга мамлакатнинг турли томонларидан деярли ҳар куни янги ускуналар келиб туради. Таганрог машинасозлари иккита буғ қозони юбордилар. Москва, Ленинград, Рига, Чебоксари, Магнитогорск шаҳарларидаги заводлардан турли аниқ приборлар, кабеллар, изоляторлар ва бошқа ускуналар олинди. Ҳозир 2 агрегат монтаж қилинди. Энди 3 ва 4-агрегатлар учун ускуна олинмоқда.

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ

Давлат район электростанциясида ишлаш учун малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида бу ерда махсус курслар ташкил қилинди. Турбина машинистлари ёрдамчиси, слесарлар, электромонтёрлар, моторчилар тайёрлаш курслари шулар жумласидандир. Ҳозир курсга ўрта мактабни тамомлаганлардан 40 га яқин киши қабул қилинди. Шундан 35 киши маҳаллий миллат ёшларидир.

Ф. ПЕТРОВ.

Ишчан шофер

ЎРТАСАРОЙ районидаги 2-МТСда хизмат қилаётган ёш шофер Қосимжон Фозилов номини коллектив ҳурмат билан тилга олади. Чунки у ўзининг серғайратлиги, чаққонлиги ва меҳнатсеварлиги билан бошқалардан ажралиб туради.

Яқинда райондаги «Полярная звезда» колхози ғўзаларини суюқ азот билан озиқлантириш кўзда тутилиб, унга Чирчиқ шаҳридан 84 тонна суюқ азот-аммиак ташиб келтириш вазифаси топширилди. Ана шу шарафли вазифани бажаришда у чинакам ғайрат билан ишлади. Ўғит муддатидан бир неча кун олдин ташиб бўлинди ва 65 литр бензин иқтисод қилинди.

Комсомол аъзоси Қосимжон Фозилов бу иши билан колхоз ғўзаларининг ўз вақтида парвариш қилинишига муносиб ҳисса қўшди. Шу кунларда эса у Ленин номли колхозга аммиак ташиб бермоқда.

Т. АЛИҚУЛОВ.

Меҳнаткашлар депутатлари Янгиер шаҳар Советига сайлов

ЯНГИЕР, 26 август. (ЎзТАГ). Мамлакатдаги энг ёш Янгиер шаҳрининг тарихига яна бир саҳифа қўшилди. Ўтган якшанба куни бу ерда меҳнаткашлар депутатларининг шаҳар Советига биринчи сайлов бўлиб ўтди. Бу сайлов Мирзачўлни ўзлаштирувчиларнинг катта ва шоду хуррамлик байрамига айланди.

...3-сон қурилиш-монтаж бошқармаси. Унинг кўпгина механизаторлари сайлов кунига ажойиб меҳнат совғалари тайёрладилар. Экскаваторчи Григорий Панкратович Гнетьнинг донги бутун Мирзачўлга тарқалди. У, сўнгги ой ичида 30 минг кубометрдан ортиқ тупроқ қазиб чиқариб, сайлов кампанияси кунларида ер қазишни икки ярим нормага етказди.

Иброҳим Жаъфаров сайлов қутиси ёнига келади. Мирзачўлнинг кенг дашт ерларида унинг кўз ўнги олдида шаҳар бунёдга келди. Шаҳарни бунёдга келтириш ишига у ҳам ўз меҳнати билан ҳисса қўшди. У ўзи билан бирга сайлов участкасига келган касбдошларига мурожаат қилиб, бундай деди:

— Мен Янгиернинг ўсиши ва гўзал бўлиши учун, янги уй кварталларининг янада тезроқ қад кўтариши учун, қўриқ ерларни ўзлаштираётган ўзбекистонликлар армиясининг Мирзачўлни тезроқ ўзлаштириш йўлида янада астойдил курашувлари учун овоз бердим.

Сайлов қутилари ёнига келаётган ҳамма кишиларнинг ҳам фикри худди ана шундай.

Бюллетенларда — Мирзачўлни ўзлаштиришда катта хизмат кўрсатган кишиларнинг номларини ўқиймиз. Булар орасида Ўрта Осиё политехника институтининг қурилиш факультетини битириб чиққан Усмон Алимбоев бор. У бу ерга январь ойида келган. Иш бошлиғи қилиб тайинланган Алимбоев моҳир ташкилотчи ва яхши жамоатчи эканлигини кўрсатди.

Суратда (чапдан ўнгга): сайловчилардан **И. Шпагин, П. Белоусова** ва **Б. Мамиров** ўртоқлар шаҳар Советининг депутатлигига номзоди кўрсатилган халқимизнинг энг яхши ўғил ва қизлари учун овоз бермоқдалар.

Р. Шамсутдинов ва **И. Чернов** фотоси. (ЎзТАГ фотохронкаси).

Мирзачўлда шофер Александр Щербаковни «нотинч» характерли, «ҳамма ишга аралашаверадиган» киши деб атайдилар.

Шаҳар Совети депутатлигига 35 кандидат овозга қўйилди. Бу кишилар қурилишларда садоқат билан ишлаётган, Мирзачўлни тезроқ ўзлаштиришдан иборат буюк ишга ўз меҳнати билан кундалик ҳисса қўшаётган кишилардир.

Сайловчилар коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг кандидатлари бўлган ана шу кишилар учун якдиллик билан ўз овозларини бермоқдалар.

Автобаза, 2-сон қурилиш бошқармаси, «Голодностепгэсстрой» трестининг сайлов участкаларига меҳнаткашлар кетма-кет тўхтовсиз келиб турибдилар.

Шаҳарда байрам таронаси ҳукм сурмоқда. Оркестрлар чалмоқда, ёшлар майдонларда ўйинга тушмоқда, юзлаб тамошабинлар Тошкентдан келган артистларнинг концертини томоша қилмоқдалар.

Бу хушчақчақлик ярим кечагача давом этди.

Тунги соат 12. Участка сайлов комиссиялари сайлов қутиларини очадилар ва берилган овозларни ҳисоблаб чиқишга киришадилар.

УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Қирқ йил ичида Ўзбекистонда пахтачиликнинг ривожланиши

Бу йил Улуғ Октябрь социалистик революцияси 40 йиллигини тантана билан байрам қилишга ҳозирлик кўраётган совет халқи шу қисқа тарихий давр ичида Коммунистик партия раҳбарлиги остида ўзи босиб ўтган шонли йўлга фахр билан назар ташламоқда. Совет кишилари ўзлари босиб ўтган бу йўлдан, шу давр ичида амалга оширган оламшумул-тарихий ишларидан фахрлансалар жуда ярашади. Совет халқи доно Коммунистик партия кўрсатиб берган йўлдан бориб, ўз қаҳрамонона кураши ва фидокорона меҳнати билан ўтмишда қолоқ, деҳқончилик мамлакатини индустрияси ғоят ривожланиб, қишлоқ хўжалиги гуркираган, шаклан миллий, мазмунан социалистик маданияти гуллаб-яшнаётган қудратли давлатга айлантирди.

Революциядан илгари мамлакатимиз жаҳонда қишлоқ хўжалиги энг суст ривожланган мамлакатлардан бири эди. Жуда кўплаб қишлоқларимиз қашшоқлик, очлик ва бечорачиликнинг тимсоли эди. Чоризм ва помешчиклар, бойлар, муштумзўрлар ҳокимияти замонида қишлоқ меҳнаткашларининг ҳаёти бундан ўзгача бўлиши ҳам мумкин эмас эди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси бутун мамлакатда бўлгани сингари қишлоқда ҳам ашаддий эксплуататорлар—помешчиклар, бойлар, кулаклар ҳокимиятини тугатди. Ленин имзоси билан Совет ҳокимияти эълон қилган энг дастлабки тарихий декретларнинг бири ер тўғрисидаги декрет бўлди. Барча ерлар давлат мулки деб эълон қилиниб, деҳқонлар қўлига абадий фойдаланиш учун берилди. Деҳқонлар Совет ҳокимияти қўлидан 150 миллион десятин ер олдилар. «Деҳқонлар мамлакатида, — деб ёзган эди В. И. Ленин, — пролетариат диктатурасидан биринчи бўлиб фойда кўрганлар, ҳаммадан кўп фойда кўрганлар, бирданига фойда кўрганлар умуман деҳқонлар бўлди». (Асарлар, 30 том, 105 бет).

Бироқ мамлакатимизга ўтмишдан мерос бўлиб қолган майда деҳқончилик хўжалиги социализм ғалабаси учун мустаҳкам база бўла олмас эди. В. И. Ленин Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллардаёқ, майда хўжалик билан муҳтожликдан қутилиб бўлмайди, деб уқдирган эди. Биз эскичасига майда хўжаликларда ўтираверсак, эркин ердаги озод граждандар бўлсак ҳам барибир муқаррар ҳалокат хавфи остида қолаверамиз, деб ўргатган эди у. Ленин юз берган аҳволдан чиқиш йўлини ўзининг машҳур кооперация планида кўрсатиб берди. Коммунистик партия ишчилар синфи ва меҳнаткаш деҳқонларнинг мадади билан Лениннинг доҳиёна кўрсатмаларини амалга оширди. Мамлакатда мавжуд бўлган 25 минг майда ва жуда майда деҳқон хўжаликлари ўрнига эндиликда 80 мингдан ортиқ колхоз, 10 мингга яқин МТС ва қарийб 6 минг совхоз вужудга келтирилди. Бутун мамлакатда бўлгани сингари қишлоқда ҳам социалистик тузум тўла ғалаба қилди.

Октябрь социалистик революцияси туфайли ўзбек халқи ҳам феодал қуллигидан, капитал мустамлакачилигидан абадий озод бўлди. Улуғ рус халқи Коммунистик партия раҳбарлиги остида Ўзбекистон меҳнаткашларига қардошларча ёрдам берди. Партия, ҳукумат ва шахсан В. И. Ленин Октябрь социалистик революцияси ғалаба қилгандан кейиноқ республикамиз экономикасини ва айниқса унинг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликни тиклаш ҳамда ривожлантиришни тезлаштиришга алоҳида эътибор бердилар.

Ўзбек халқининг пахта учун кураши мамлакатимизда Октябрь ғалабасини мустаҳкамлаш ишига қўшилган катта ҳисса бўлди. Пахта — ўзбек халқининг миллий ифтихори, мамлакатимиз қардош халқлари билан бузилмас дўстлигимизнинг моддий ифодасидир. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати пахтачиликни тиклаш юзасидан бир қатор жуда муҳим тадбирларни амалга оширдилар. Туркистон ўлка Советининг 1918 йил январда бўлиб ўтган IV съезди Ер ишлари комитети ташкил этиш тўғрисида махсус қарор қабул қилди. Пахтачилик Халқ Комиссарлигининг деҳқонларга ёрдам кўрсатиш юзасидан 1918 йил 10 мартда берган кўрсатмаси пахтачиликни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлди.

РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг Туркистонда ирригация системасини тиклаш ва ривожлантиришга катта сиёсий-хўжалик иш сифатида қаради. Ҳукумат 1918 йил 17 майда Туркистонда ирригация ишларига 50 миллион сўм ажратиш тўғрисида тарихий декрет қабул қилди. РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг бу декретида В. И. Лениннинг Мирзачўл ерларини ўзлаштириб, уни мамлакатимизнинг йирик пахтачилик манбаига айлантириш тўғрисидаги буюк ғоялари ифодаланган эди. 1920 йилда олий Халқ хўжалиги кенгаши ҳузурида бош пахтачилик комитети таъсис этилди. Бу комитет пахтачилик ишлари билан бевосита шуғулланди.

В. И. Ленин 1920 йил 19 апрелда тўқимачилик саноати ходимларининг III Бутунроссия съездида сўзлаган нутқида пахта бўлмаса ривожланмайдиган тўқимачилик саноатимизнинг бу муҳим хомашёга ғоят муҳтож эканини уқдириб кўрсатди. В. И. Ленин бу нутқида тўқимачилик саноатимиз катта вайронликни бошидан кечираётганлигини, чет мамлакатлардан пахта келтириш тўхтаб қолганлигини, Ғарбий Европанинг ўзида бу хомашёга катта муҳтожлик сезилаётганлигини айтиб, бизда бундай хомашёнинг бирдан-бир манбаи Туркистон эканлигини кўрсатди.

РСФСР халқ комиссарлари Советининг 1920 йил 2 ва 27 ноябрдаги В. И. Ленин қўл қўйган тарихий қарорлари Туркистон ҳамда Озарбайжон Совет Социалистик Республикаларида пахтачиликни тиклашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Пахтакорлар халқ хўжалигини тиклаш даврида пахта майдонларини кенгайтириш ва ҳосилдорлигини ошириш юзасидан катта ишлар олиб бордилар. КПСС X съездининг янги иқтисодий ва миллий сиёсат тўғрисидаги қарори мамлакатимизда пахтачиликни тез ва изчиллик билан тиклаш учун кенг имконият туғдирди. Совет Туркистони меҳнаткашларининг пахтачиликни тиклаш учун кураши Коммунистик партия, Совет ҳукумати ва улуғ рус халқи томонидан қизғин қўллаб-қувватланди. Совет ҳукуматининг 1921—1923 йиллар мобайнида фақат суғориш системаларини тиклашгагина 9 миллион сўм олтин пул ажратгани бунинг ёрқин далилидир.

Миллий-давлат чегараланиши ўтказилиб, Ўзбекистон Совет Социалистик республикаси вужудга келгандан кейин, республикада пахтачиликни тиклаш ва ривожлантириш ишлари янада авж олиб кетди. Коммунистик партиянинг қишлоқ хўжалигини коллективлаш сиёсати, Совет ҳукуматининг доимий ёрдами, пахтачиликни ривожлантиришнинг янги, сира кўрилмаган истиқболини очиб берди, республикамиз меҳнаткашларининг ижодий активлигини ошириб юборди.

Оғир саноатнинг тинмай ривожлантирилиши, меҳнаткашлар моддий фаровонлигининг ошиши, маданий савиясининг юксалиши муносабати билан Ватанимиз тўқимачилик саноати пахтани тобора кўпроқ талаб қилди. СССРнинг пахта мустақиллигини қўлга киритиш зарур эди. ВКП(б) Марказий Комитети қишлоқ хўжалигининг катта имкониятларини ҳисобга олиб, уни тўла ишга солиш мақсадида 1929 йил 18 июлда чиқарган қарорида пахтачиликни ривожлантиришнинг беш йиллик планини кўриб чиқди ва беш йиллик охирида пахта толаси ишлаб чиқаришни 787,2 минг тоннага етказишни белгилади. Шу қарор асосида Тошкентда Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-текшириш институти (СоюзНИХИ) ташкил қилинди. СоюзНИХИ коллективи пахта майдонларини кенгайтиришда, ҳосилдорликни оширишда, пахтанинг тез пишар, сер ҳосил, ингичка толали ва рентабелли сортларини топишда пахтакорларимизга катта ёрдам берди.

Ўзбекистон пахтакорларининг фидокорона меҳнатлари, қишлоқ хўжалигининг техника билан қуроллантирилиши туфайли иккинчи беш йилликнинг бошларида СССРнинг пахта мустақиллигига эришилди. Пахтанинг ялпи маҳсулоти республикада 817,2 минг тоннага етди.

Иккинчи ва учинчи беш йилликлар даврида ўзбек халқининг пахта учун кураши янги юқори босқичга кўтарилди. Ўзбекистон пахта далаларида ирригация қурилиши ва янги ерларни ўзлаштириш юзасидан умумхалқ ҳаракати авж олди. Ўзбекистон меҳнаткашларининг куч-ғайрати билан биргина 1939 йилда 52 та канал қурилди. Шу жумладан 270 километрдан иборат Катта Фарғона канали 45 кун ичида битказилди. Янги ирригация системаларини қуриш юзасидан олиб борилган ишлар ўзбек халқининг чинакам қаҳрамонлигини, ташаббускорлигини, жонажон Ватанга содиқлигини, Коммунистик партия ишига, Совет Ҳукумати ишига охиригача берилганлигини яққол кўрсатди.

Партия ва ҳукумат халқимизнинг пахтачиликни ривожлантириш йўлидаги ҳалол меҳнатига юксак баҳо бердилар. Ўзбекистон ССРнинг 15 йиллиги муносабати билан қишлоқ хўжалигини, айниқса пахтачиликни ривожлантиришда эришилган муваффақиятлари учун республикамиз Ленин ордени билан мукофотланди. Улуғ Ватан уруши йилларида катта қийинчиликларга қарамай, ўзбек халқи пахта учун курашни янада кучайтирди, пахтакорларимиз умумхалқ социалистик мусобақасининг олдинги сафларида бордилар. Республика пахтакорларининг ҳалол ва қаҳрамонона меҳнати ўз самарасини кўрсатди. Ўзбекистон ССР 1945 йилда пахта ҳосилини ошириш юзасидан Совет Иттифоқининг пахта экувчи республикалари билан бўлган социалистик мусобақада биринчиликни олди.

Улуғ Ватан урушидан кейин совет пахтачилигини ривожлантириш тарихида янги давр очилди. 1946—1950 йиллар мобайнида СССР халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш беш йиллик планида ҳамда бошқа бир қанча ҳужжатларда республикамизда пахта етиштиришни кўпайтиришнинг янги программаси белгилаб берилди. Мамлакатимизнинг илғор колхозлари ва совхозлари 1946 йилда пахта учун курашнинг ажойиб намунасини кўрсатдилар. ВКП(б) Марказий Комитетининг 1947 йил февраль Пленумининг «Урушдан кейинги даврда қишлоқ хўжалигини юксалтириш тадбирлари тўғрисида» чиқарган қарорида СССРнинг асосий пахтакор районларида ҳосилдорликни ва пахтанинг ялпи маҳсулотини анча оширишга эришилгани қайд қилинди. Бироқ, баъзи йилларда пахтачиликни ривожлантиришда катта хатоларга йўл қўйилди, кузги-қишки тадбирлар ўз вақтида, юқори сифатли ўтказилмади, ғўзани комплекс парвариш қилишга эътибор берилмади, илғорлар тажрибаси ишлаб чиқаришга кенг жорий қилинмади, пахта етиштиришнинг янги, прогрессив усуллари қўлланилмади.

1954 йил Ўзбекистонда пахтачиликни янада ривожлантиришда муҳим босқич бўлди. Пахтачиликни юксалтириш масалалари билан КПСС Марказий Комитети бевосита шуғулланди. Ўша йили февралда СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг қарори эълон қилинди. Бу қарорда Ўзбекистон ССРда пахта етиштиришни кескин равишда кўпайтиришнинг улуғвор программаси белгилаб берилди. Тошкентда 1954 йил ноябрда бўлиб ўтган кенгашда Ўрта Осиё, Закавказье ва Қозоғистонда пахтачиликни юксалтириш тўғрисидаги масала атрофлича муҳокама қилинди. Мамлакатимизнинг атоқли пахтакорлари кенгашда сўзлаб, ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар, пахтачилик ишларида йўл қўйилаётган жиддий камчиликларни рўйрост айтдилар. Бу кенгашда КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари ўртоқ Н. С. Хрушчев иштирок этди. Ўртоқ Хрушчев кенгашда сўзлаган нутқида СССРда пахтачиликни тараққий эттириш учун нималар қилиш кераклигини айтиб ўтди. Тажриба алмашиш шуни кўрсатдики, сув хўжалигини яхшилаш, ирригация-мелиорация қурилишларини янада кенг кўламда олиб бориш, илғорлар тажрибасини, комплекс агротехникани ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш — пахтачиликни ривожлантиришнинг муҳим шартидир. Кенгаш қатнашчилари пахта етиштиришнинг эски усулига ёпишиб олган раҳбарларни қаттиқ танқид қилдилар, чигитни тор қаторлаб, квадрат-уялаб экиш, ғўза қаторларини икки томонлама ишлашнинг фойдали эканини исботлаб бердилар. Кенгаш пахтачилик агротехникасидаги бирёқламаликка ва шаблонга қаттиқ зарба берди.

Пахта етиштиришнинг квадрат усули ғўзани икки томонлама ишлашнинг энг тўғри йўли эканини кўрсатди. Бу усул ғўза қатор ораларини ишлашда қўл меҳнатини анча камайтиради, ҳосилдорликни кескин равишда оширади, ердан самарали фойдаланиш имкониятини беради. Булар амалда исботланди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг сўнгги йилларда пахтачиликни юксалтиришга доир ўнлаб муҳим тадбирлар кўрганлиги, жумладан Мирзачўлдаги қўриқ ерларни суғориш ва ўзлаштириш тўғрисида, пахта етиштиришни ва тайёрлашни моддий жиҳатдан рағбатлантириш ҳақида, янги ерларни суғориш ва ўзлаштиришга борувчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари тўғрисидаги қарорлари бунинг ёрқин далилидир. КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг пахтакорлар ҳақида тинмай ғамхўрлик қилаётганликларини кўрсатувчи ана шу қарорлар Ўзбекистон меҳнаткашларининг меҳнат активлигини бениҳоя ошириб юборди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси республикада пахтачиликни ривожлантириш учун умумхалқ курашига чинакам бошчилик қилмоқда. Натижада республикамиз 1956 йилда пахта тайёрлаш планини тўла бажарди, мамлакатга салкам уч миллион тонна «оқ олтин» топширилди. Ўзбекистон Ватанга ҳеч қачон бунчалик кўп пахта бермаган эди. 1913 йилда Ўзбекистонда жамъи 516 минг тонна пахта йиғиб олинган эди.

Республика меҳнаткашларининг ялпи пахта ҳосилини ошириш соҳасида эришган катта ғалабаси партия ва ҳукумат томонидан тақдирланди. СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан Ўзбекистон ССР иккинчи марта Ленин ордени билан мукофотланди, қишлоқ хўжалик ходимларидан 15 мингдан ортиқ киши СССР орден ва медаллари билан мукофотланди. Пахтачиликни ривожлантиришда алоҳида хизмат кўрсатган 201 кишига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон берилди. Пахтачилик академиги — Ўзбекистоннинг энг машҳур пахтакори Ҳамроқул Турсунқулов Совет Иттифоқида биринчи бўлиб уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлди. Шу билан бирга Ўзбекистон ССР 1957 йилги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси қатнашчиси қилиб тасдиқланди.

Ўзбек халқи ўзининг ажойиб пахта усталари, энг яхши ташкилотчилари — колхоз раислари Матқобилов, Маннонов, Ким Пен Хва, Турсунқулов, Шукуралиев, Қўчқоров ва шу сингари прогрессив агротехника авангардлари билан фахрланади. Орджоникидзе, Денов, Жарқўрғон, Мирзачўл, Сирдарё, Пахтаобод, Наманган Тўрткўл, Янгийўл ва бошқа районларнинг колхозчилари, МТС ва совхозларининг ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари пахта етиштиришни кўпайтиришда кўрсатган қаҳрамонликлари, ажойиб ташаббуслари билан биринчи сафларда турадилар. Бу районлар пахтадан йил сайин муттасил юқори ҳосил олиб келмоқдалар.

Ўзбек халқининг пахтачиликда эришган бу муваффақияти тасодифий эмас, албатта. Республикамиз меҳнаткашларининг пахта далаларида қилган қаҳрамонона меҳнати, сиёсий ва меҳнат активлиги бениҳоя ошганлиги ана шу ғалабаларнинг омили бўлди. Бу ғалабага уларни партиямиз, унинг ленинча Марказий Комитети илҳомлантирди.

Партия ва ҳукуматнинг Мирзачўл ерларини ўзлаштириш ҳамда уни совет пахтачилигининг яна бир йирик водисига айлантириш юзасидан белгилаб берган қарорларини амалга ошириш республикамизда пахтачиликни ривожлантиришда янги, юксак босқич бўлади. Ўзбек халқи барча қардош совет халқларининг қўллаб-қувватлаши билан ҳамда партия раҳбарлиги остида бу улуғвор иш программасини фидокорлик билан амалга оширмоқда.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети республикамизда пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада ривожлантириш, деҳқончилик маданиятини яхшилаш ва қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг моддий фаровонлигини янада ошириш тўғрисида катта ғамхўрлик қилиб, 1957 йилда Ўзбекистон ССРда 63 та янги совхоз, шу жумладан 36 та пахтакор совхоз ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. 63 та янги совхоз ташкил қилиниши республикамизда пахта, дон, гўшт, сут, жун, сабзавот, картошка, мева ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни анча кўпайтиришга имкон беради. Янги ташкил қилинадиган совхозларга партия Марказий Комитети ва Иттифоқ ҳукумати томонидан берилаётган ғоят катта ёрдам янги совхозларни яқин йиллар ичида қишлоқда социалистик ишлаб чиқариш ва маданиятнинг чинакам марказига айлантиришга имкон беради, республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг маданий савиясини ва турмуш даражасини янги юксакликка кўтаради.

Республикамиз меҳнаткашлари бутун совет халқи сингари социалистик қишлоқ хўжалиги соҳасида қўлга киритилган йирик муваффақиятлар учун партиянинг ленинча доно раҳбарлигидан миннатдор бўлмоқда. Бу муваффақиятлар партия меҳнаткашларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришга сафарбар этиб нақадар тўғри иш қилганлигини яққол исботлайди. КПСС Марказий Комитетининг ленинча сиёсатини бутун совет халқи якдиллик билан маъқуллади ва қизғин равишда қўллаб-қувватлади. Маленков, Каганович, Молотовларнинг партияга қарши группасигина партия ва халқнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги улуғвор курашини кўролмади, бу курашга ҳартарафлама тўсқинлик қилди. Фракциячилар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришда колхозчи деҳқонларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш зарурлигини инкор қилдилар, колхозларда планлаштиришнинг эски, бюрократик тартибини тугатишга ҳамда планлаштиришнинг янги тартибини жорий қилишга қарши бўлиб чиқдилар. Улар турмушдан шу қадар ажралиб қолган эдиларки, ҳатто шу йил охиридаёқ колхозчилар хонадонидан мажбурий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олишни бекор қилиш учун реал имконият борлигини тушуна олмадилар. Партияга қарши бу группа аҳоли жон бошига гўшт, ёғ ва сут етиштиришда яқин йиллар ичида Америка Қўшма Штатларига етиб олиш тўғрисида партиямиз майдонга ташлаган ҳамда колхозлар, областлар, республикалар томонидан қизғин қўллаб-қувватланган чақириққа қарши ҳечбир асоссиз кураш олиб бордилар.

Бутун совет халқи билан бирганликда мамлакатимизнинг барча колхозчи деҳқонлари, шу жумладан республикамиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари, шонли пахтакорларимиз Маленков, Каганович, Молотовларнинг партияга қарши группасини фош қилиб, қатъий қоралаган партия Марказий Комитети июнь Пленуми қарорини якдиллик билан маъқулладилар.

Социалистик қишлоқ хўжалигимиз меҳнаткашлари бутун совет халқи сингари партиямизнинг шонли Ленин байроғи теварагида яна ҳам мустаҳкамроқ жипслашдилар. Улар Коммунистик партия раҳбарлиги остида мамлакатимизда коммунистик жамият қуришдек буюк йўлдан комил ишонч билан олға бормоқдалар. Мамлакатимиз меҳнаткашлари улуғ армиясининг йирик ва актив отрядларидан бири бўлган республикамиз пахтакорлари ҳам Улуғ Октябрь социалистик революциясининг яқинлашиб қолган шонли 40 йиллигини бутун қаҳрамон халқимиз сингари янгидан-янги меҳнат зафарлари билан кутиб оладилар.

А. РАЗЗОҚОВ,
тарих фанлари кандидати.

Тошкентдаги химия-фармацевтика заводи коллективи Улуғ Октябрнинг 40 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кучайтириб юборди. **Суратда:** кундалик топшириқни 180 процентга етказиб бажараётган илғор ишчи ўртоқ **А. Румянцева** иш устида.

В. Нудлер фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Ўзбекистон пионерларининг бешинчи слёти ёпилди

Ўзбекистон пионерларининг бешинчи слёти Тошкентда тўрт кун давом қилди. Слёт вакиллари энг яхши дружиналарнинг иш тажрибаси билан ўртоқлашдилар, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллигига кўраётган тайёргарликлари тўғрисида гапириб бердилар, пионер ташкилотининг ишини янада яхшилаш режаларини биргалашиб белгиладилар.

Республика ёш ленинчиларининг вакиллари 25 августда слёт натижаларини якунламоқ учун Свердлов номидаги концерт залига тўпландилар. Ўзбекистон комсомол Марказий Комитетининг секретари А. Мираҳмедова слёт вақтида болалар ижодини ривожлантиришда энг яхши натижалар кўрсатган звенолар, отрядлар ва айрим пионерларнинг номларини атади ва уларга қимматли совғалар топширди. Пировардида бадиий ҳаваскорлик қатнашчиларининг якунловчи концерти бўлди. Ёш ашулачилар, рақќослар, музикачилар, бадиий сўз усталари ўзларининг эришган муваффақиятларини намойиш қилдилар.

Кундуз куни В. И. Ленин номидаги майдонда тантанали вазиятда республика пионерлари бешинчи слётининг байроғи туширилди.

Кеч кирган пайтда минглаб болалар карнавал сайлида иштирок қилмоқ учун Комсомол кўлига томон бордилар. Бу ерда ғоят катта гулхан ёқилди. Пионерлар ишлаб чиқариш новаторлари билан, ёзувчилар ва шоирлар билан, фан ва санъат арбоблари билан учрашдилар. (ЎзТАГ).

„Гулхан“ журналининг янги сони

Республикамиз пионер ва ўқувчиларининг севимли журнали «Гулхан»нинг август сони босилиб чиқди. Бу сон «Шонли йўл» сарлавҳали редакцион мақола билан очилади.

Бу сонда Қуддус Муҳаммадийнинг «Чангалзор хати» сарлавҳали шеъри, «Қардошлар адабиёти» деган рубрика остида Саид Баязитовнинг «Плюс 6» сарлавҳали ҳикояси берилган.

Бундан ташқари, журналда Ю. Шомансуровнинг «Олхўри», «Ананас», «Қулупнай», «Анжир», «Анор», Маҳмуд Абдуллаевнинг «Сув», Толиб Йўлдошнинг «Нон заводи». Хайриддин Салоҳнинг «Оқизоқ» сарлавҳали шеърлари, Ф. Матрошиловнинг «Паҳлавон нонвой» сарлавҳали очерки ва кўпгина бошқа ўқимишли материаллар берилган.

Журнал фото-суратлар билан чиройли қилиб безатилган.

Қисқа сатрларда

* **Оққўрғон.** Район территориясидан ўтган 25 километрлик Оққўрғон—Бўка йўли қурилиши асосан тамомланди. Илгари Бўка районига бориш учун 100 километрдан ортиқ йўл босишга тўғри келар эди. Ҳозирги қисқа масофали асфальт йўл туфайли транспорт ва йўловчилар учун катта қулайлик туғилди. Шунингдек, район марказида янги озиқ-овқат магазини қурилиб, ишга туширилди.

М. Ойдинов,
М. Канзафаров.

* **Бўстонлиқ.** Калинин номли колхоз районда хўжалиги катта ва кўп тармоқли артель ҳисобланади. Яқинда бу ерда чўчқачиликни янада ривожлантириш имконини берадиган 30 хонали янги чўчқахона биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

А. Отбосаров.

* **Тошкент.** Ўрта Осиё политехника институтининг студентлари учун 400 кишига мўлжалланган ҳашаматли ётоқхона биноси қуриб битказилди. Ўқув зали, кутубхона, буфет, радиоприёмник, телевизор ва бошқа қулайликларга эга бўлган бу ётоқхона янги ўқув йилида фойдаланишга топширилади.

Т. Ахмеров.

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

Доимий комиссияларнинг ташаббуси билан

Куйбишев район ижроия комитети район хўжалигини юксалтириш, омманинг маданий-маиший фаровонлигини янада ошириш соҳасида доимий комиссиялар билан мустаҳкам ҳамкорликда ишлаб, яхши натижаларга эришмоқда.

Район Совети маҳаллий Советларга бўлиб ўтган сайловдан сўнг, доимий комиссияларни тузишга бағишлаб ўтказилган ташкилий йиғилишида депутатларнинг вазифалари ва ҳуқуқлари тўғрисида тушунча бериб, яхши иш қилди. Ана шу вақтдан бери доимий комиссияларнинг йиғилиши ойига 2 мартадан мунтазам равишда ўтиб турибди. Йиғилишларда белгиланган тадбирларнинг бажарилиши муҳокама қилиниб, муваффақиятлар таъкидланмоқда, баъзи камчиликлар тўғри кўрсатилиб, янги тадбирлар белгиланмоқда.

Айрим доимий комиссиялар ўз фаолиятида сайловчиларнинг наказларини бажариш, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш ва уларни амалга ошириш соҳасида яхши ишлар қилаётир. Айниқса, халқ маорифи доимий комиссияси (раиси депутат Мартиненко) томонидан амалга оширилаётган тадбирлар мақтовга сазовор. Комиссия ўқиш даврида юз берган камчиликларни йўқотишда ўқитувчилар коллективига яқиндан ёрдам берди. Мактаб ва болалар боғчаларидаги ремонт ишлари текширилди ва қўшимча бино қурилиши зарур бўлган объектлар масаласи район ижроия комитети йиғилиши муҳокамасига қўйилди. Ижроия комитет депутатларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлади. Райондаги 8 та мактаб ва 7 та боғчани капитал ремонт қилиш учун қўшимча маблағ ажратилди. Ҳозир 47, 48-мактаб ҳамда 115, 133-болалар боғчаси ремонт қилиб бўлинди, қолганлари эса ремонтдан чиқарилиш арафасида турибди. Шунингдек, Ворошилов кўчасида 880 ўқувчи учун мактаб-интернат қурилди.

Доимий комиссия аъзолари мактаб ва боғчаларда ремонтнинг боришини текшириб, бир қатор камчиликлар борлигини аниқладилар. Айниқса, 55-мактабда қўшимча хоналар қуриш иши қониқарсиз ташкил қилинган. Қурилиш учун белгиланган график 60-70 процент бажарилган, холос. Доимий комиссия бу камчиликларни бартараф этиш чораларини белгилаб, уни ижроия комитетга тавсия этди. Доимий комиссия аъзолари 142, 113-мактабларда устахоналар йўқлигини аниқладилар. Район ижроия комитети 113-мактабда устахона қуришни тезлатиш ҳақида қарор қабул қилди. Лекин бу қарор ҳалигача бажарилгани йўқ. Халқ маорифи доимий комиссияси мана шу камчиликни бартараф қилиш йўлида ҳозир актив иш олиб бораётир.

Уй-жой доимий комиссияси ҳам аҳолига хизмат қилиш, уларнинг маданий-маиший фаровонлигини оширишда дуруст ишлар қилмоқда.

Комиссия аъзолари депутат Юртаев раҳбарлигида район территориясида ремонтга муҳтож уйлар, бўш жойлар ва мақсадга мувофиқ фойдаланилмаётган хоналар борлигини аниқладилар. Бу ҳақда район раҳбарларига хабар қилинди.

Комиссия аъзолари бу билан қаноатланиб қолганлари йўқ. Улар уй-жойларни ремонт қилишнинг бориши ва сифатини текшириб, бир қанча камчиликларни аниқладилар. 1957 йилда 86 уй ремонт қилиниши белгиланган ҳолда, шундан 12 уй ремонтдан чиққан, 46 уй эса энди ремонт қилинаяпти, 28 уйда ремонт ишлари ҳали мутлақо бошланмаган. Айрим объектларда ремонт ишлари жуда суст бормоқда. Жуковский кўчасидаги бир неча уйнинг томи очиб қўйилган-у, лекин ҳали ремонт бошланмаган. Район уй-жой бошқармаси (бошлиғи ўртоқ Давидов, бош инженери ўртоқ Гончаров) уй-жойларни ремонт қилиш учун берилган маблағдан ўз вақтида ва унумли фойдаланмаётир. Ремонт учун берилган 3 миллион сўм пулдан шу вақтгача фақат 680 минг сўмгина фойдаланилган. Депутатлардан Юртаев, Коменская, Синельникова, Мальков каби ўртоқларнинг актив иштирокида кўпгина камчиликлар бартараф этилди.

Район Советининг коммунал хўжалик ва ободончилик доимий комиссияси (раиси депутат Крилов), савдо доимий комиссияси (раиси депутат Файзиев), саноат доимий комиссияси (раиси депутат Бенкенштадт) ҳам меҳнаткашлар оммасининг ёрдамига, ташаббусига ва тажрибаларига таяниб ишлашлари натижасида халқ хўжалик, маданий-маиший ишлар юзасидан қабул қилинган тадбирларни амалга оширишда ижроия комитетга катта ёрдам кўрсатмоқдалар.

Шундай қараганда район ижроия комитетида ҳамма ишлар ҳам нормал бораётгандек кўринади. Бироқ район Советида анча камчиликлар бор. Депутатлар билан семинарлар кам ўтказилади. Улар билан иш юзасидан айрим суҳбатлар уюштирилмайди. Баъзан депутатларнинг таклифлари натижасиз қолиб кетади. Доимий комиссия йиғилишларига район ижроия комитетининг раиси Панферов, раис ўринбосари Асадов ўртоқлар камдан-кам қатнашадилар. Улар кўпинча бундай муҳим масалани ижроком секретари ўртоқ Норқўзиевга топшириб қўйганлар.

Депутатлар ролини ошириш ва уларнинг янада активроқ ишлашларини таъминлаш масалалари билан етарли шуғулланмай қўйилганлиги туфайли баъзи депутатлар сайловчилардан узоқлашиб қолганлар. Масалан, Астафьев (Адлия министрининг ўринбосари), Восиқова (Ўзбекистон республика судининг раис ўринбосари), Абдусоатов («Чахбут» артелининг раиси) каби депутатлар сайловчилар олдида берган ваъдаларини эсларидан чиқариб қўяётирлар. Улар доимий комиссияларнинг йиғилишларига бирор марта ҳам иштирок қилмаганлар.

Шуни эсдан чиқармаслик керакки, депутатларнинг фаолиятларини кучайтирмай туриб, уларнинг кундалик ёрдамисиз ижроия комитетлар ўз ишларини муваффақиятли олиб боролмайдилар. Ижроия комитет депутатларнинг ишларига йўл-йўриқ кўрсатиши, уларга кун сайин амалий ёрдам бериши, ҳар бир депутатнинг фаолиятини контроль қилиб туриши ҳамда халқнинг ишончини оқламаётган ва депутатлик бурчларини бажаришга масъулиятсизлик билан қараётган айрим депутатлар ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориши керак.

З. АХТЯМОВА.

Депутатлар ҳисоб бермоқдалар

Қорасув районида маҳаллий Совет депутатлари сайловчилар олдида ҳисоб бермоқдалар. Сайловчилар ўзлари сайлаган халқ вакилларининг ҳисобини эшитиб, янги талаблар қўймоқдалар.

Тушлик овқат пайти. Ленин номли колхоз чорвачилик фермасининг дала шийпонига кўпгина сайловчи тўпланди. Улар шу колхоздан район Советига депутат қилиб сайланган Акрамов, Нурмуҳамедов ўртоқлар билан учрашдилар. Депутатлар сайловчилар наказининг бажарилиши ҳақида ҳисоб бердилар.

Район ижроия комитети сайловчилар талабини тўла ҳисобга олган ҳолда ишлаган. Ижроия комитетнинг йиғилишларида сайловчилар наказининг бажарилишига доир бир қанча масалалар муҳокама қилинган. Натижада районни ободонлаштириш, мактаб-маориф ишларини яхшилашда анча ишлар қилинган. Депутатлар ички резервларни топишда, қўшимча мактаб синфлари қуришда ташаббус билан ишладилар. Уч сменада ўқиш бўладиган мактабларда қўшимча синфлар қурилиб, машғулотлар икки сменага кўчирилди.

Районда клуб, ҳаммом қурилди. Касалхона очиш ҳақидаги наказ ҳам бажарилди. 150 ўринли касалхонага янги бино ажратилди. Анчагина миқдорда озиқ-овқат ва саноат моллари магазини қурилди.

Колхоз ҳосилот советининг раиси Пўлатов, бригада бошлиғи Зокиров ва бошқа сайловчилар сўзга чиқиб, картошка, сабзавот маҳсулотлари етиштиришда депутатлар актив қатнашаётгани ҳақида гапирдилар. Колхознинг илғор бригадалари мўл ҳосил етиштириб, ҳар гектар ердан шартномадаги 12 ўрнига 22 тоннадан эртаги картошка ҳосили олдилар. Силос бостириш иши қизиб кетди. Колхозчилар 2 минг ўрнига 2200 тонна силос тайёрлаш учун курашмоқдалар.

Сайловчилар депутатларга янги наказлар бердилар. Улар ўз наказларида колхоз кўчаларини асфальтлаш ва тош тўкишни тезлаштиришга депутатларнинг эътиборини жалб қилдилар.

Т. АЗИМОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«БОЁВУТ РАЙОНИ КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИДА ҒЎЗА ПАРВАРИШИ ҚОНИҚАРСИЗ АҲВОЛДА»

Газетамизнинг шу йил 10 август сонида Боёвут район партия комитетининг секретари А. Сардоров, район ижроия комитетининг раиси А. Қурбонов ўртоқлар номига газета орқали телеграмма юборилган ва шу телеграммага юқоридаги сарлавҳа остида мақола илова қилиб босилган эди.

Телеграмма ва мақолада район колхозларида ҳосилга-ҳосил қўшиш учун июль ойида яхши ишланмаганлиги, шу давр учун белгиланган топшириқ ва график тўла бажарилмаганлиги, натижада ғўза парвариши соҳасида қатор хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги кўрсатиб ўтилган эди.

Боёвут район партия комитети шу телеграмма ва материал район партия комитетининг пленумида муҳокама қилинганлигини, ўз ишига масъулиятсизлик билан қараган колхоз, совхоз раҳбарлари ва бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари қаттиқ огоҳлантирилганликларини хабар қилди. Пленумда белгиланган тадбирлар барча колхоз, совхоз ва МТС бошланғич партия ташкилотларида кенг муҳокама қилинди. Ғўза парваришидаги сусткашликка барҳам бериш, ривожи паст ғўзаларни пахта очилгунча парвариш қилиш зарур эканлиги кўрсатилди.

Ҳар туп ғўзада мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил бўлсин!

Илғор механизатор ўртоқ А. Худойқулов ишлаган бригадада ҳосил мўл бўлиб етилаётир. Колхозчилар ғўза парваришини август ойида ҳам давом эттиришга қарор қилганларида фидокор универсалчи ҳам худди шу мақсадда эканлигини айтди ва колхозчилар билан биргаликда август ойи давомида ғўза парваришини тинмай давом эттираётир. Урта Чирчиқ районидаги Ильич номли колхозда хизмат қилаётган универсалчи ўртоқ А. Худойқуловни шунинг учун ҳам қишлоқдаги ҳар бир киши ҳурматлайди. **Суратда:** ўртоқ **А. Худойқулов.**

М. Шевелев фотоси.

Марказдан узоқдаги колхозларнинг ғўзасида ҳосил кам

Андижон область ўзаро текшириш бригадасининг бир группа аъзолари Янгийўл район колхозларида бўлгач, қўшни Октябрь районига ўтдилар ва бу ерда ғўза парваришининг бориши билан муфассал танишдилар. Шу группанинг бошлиғи, Балиқчи район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Тожибоев мухбиримиз билан суҳбатда қуйидагиларни айтди:

— Октябрь районидаги Калинин номли, Сталин номли, «Сталинчи» колхозларининг ишидан хурсанд бўлдик. Бу колхозларнинг пахтакорлари, механизаторлар июль ойида мўл ҳосил тўплашга эришиб, августда ана шу муваффақиятни мустаҳкамлаш учун астойдил кураш олиб бормоқдалар. Ҳозир бу хўжаликлар даласида трактор, отулов тўхтовсиз ишлаб турибди. Талаб қилган жойларда ғўза чопиқ қилинаётир. Шу билан бирга йиғим-теримга ҳам пухта тайёрланилмоқда. Булар район марказидан унча узоқ бўлмаган колхозлардир.

Лекин биз район марказидан анча узоқда бўлган Андреев номли, Охунбобоев номли колхозлар даласида бўлганимизда ҳосили кам, шунга қарамай чопиқ ёки культивация қилинмаётган, сувдан қолдирилган, ҳашарот тушган бўлишига қарамай, унга қарши кураш олиб борилмаётган пахта майдонларини кўриб ачиндик. Ахир Октябрь район пахтакорлари мўл ҳосил етиштириш юзасидан мажбурият олган рўйхатда шу колхозлар ҳам бор-ку. Райондаги 3-4 колхозда ҳосил мўл бўлгани билан бошқа колхозларда ҳосилнинг салмоғи кам бўлса, район бўйича социалистик мажбуриятни бажариш қийин бўлади-ку. Буни Октябрь район раҳбарлари унутмасликлари керак.

Андреев номли колхоз аъзолари 630 гектар ернинг ҳар гектаридан 20 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Колхоз раиси ўртоқ Турсунбой Азимов билан ҳали далага чиқмасдан олдин сўзлашганимизда, бу йил ҳосил мўл бўлганлигини айтди. Биз раис ҳосил мўл бўлаяпти, деган далаларни чиқиб кўрдик. Йўқ, аҳвол ўртоқ Азимов айтгандек эмас. Масалан, А. Бакирова бошлиқ бригадага борганимизда ғўзаларнинг ҳаддан ташқари ўт босиб кетганлигини кўриб ачиндик. 10 гектарли бир пайкалда ўт шунчалик ўсиб кетганки, шерикларимиздан бири раисга ҳазиллашиб, бу ердаги ўтларни ўриб олинг, жуда силосбоп бўлибди, деди. Шунда ўртоқ Азимов жуда хижолат тортиб кетди. Чунки у шу вақтга қадар шу бригадага бирор марта келмаган, аҳвол билан танишмаган экан.

Б. Йўлдошева, М. Қурбонов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳам аҳвол талабга жавоб берарли эмас. Пахта теримига тушишга саноқли кунлар қолганига қарамай, бу бригадаларнинг ҳар туп ғўзасида энди 5-6 тадан кўсак етиштирилибди. Колхоз раҳбарлари ҳам, бригадирлар ҳам август кириши билан ишни бўшаштириб юборганлар. Чунки биз далаларни айланганимизда 20-25 кундан бери ё культивация қилинмаган ёки чопиқ ўтказилмаган далаларни ўз кўзимиз билан кўрдик. Август ойи давомида бир қанча далалардаги ғўза кеча-кундуз қондириб суғорилмагани сабабли эгатларга шона, гул тўкилиб ётибди. Ҳаммасини қўшиб ҳисоблаганда шу кунларда колхозда 100 гектар ердаги ғўзани ўт босиб кетган. Шу майдонлардаги ғўзаларни ўтдан тозалашга эътибор қилинмаётир. Колхоз раҳбарлари куч етишмайди деб нолийдилар. Ваҳоланки, қишлоқда бекор юрган, иккинчи даражали ишлар билан шуғулланаётган кишилар юзлаб ҳисобланади. Колхознинг маъмурий аппарат ходимлари 56 кишидан иборат. Шу 56 кишининг ҳеч қайсиси далага чиқиб, меҳнат куни ишламаган.

Колхозда ҳисоб-китоб ишлари ҳам қониқарсиз аҳволда. Колхозчиларнинг меҳнати бир ойдан бери ҳисобга олинмайди. Бош бухгалтер ўртоқ Хайруллин табелчилар иши устидан мутлақо контроллик қилмайди, у ўз зиммасидаги масъулиятни мутлақо унутиб қўйган.

Райондаги Охунбобоев номли колхоз ҳам Андреев номли колхоз сингари район марказидан узоқда. Бу колхозда ҳам кўпгина ерлардаги ғўзани ўт босиб кетган, ўз вақтида суғорилмаётир, ҳашаротга қарши кураш бўшаштириб юборилган.

Биз уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқулов раис бўлган «Шарқ юлдузи» колхозида ҳам бўлдик. Бу колхознинг идора атрофидаги катта майдонларида ҳосил шунчалик мўл бўлмоқдаки, ҳатто социалистик мажбуриятларини ҳам ошириб бажарсалар кучлари етади. Лекин идорадан анча узоқдаги «Шверник» участкасининг ғўзалари шу донгдор колхознинг шаънига тўғри келмайдиган даражада кам ҳосилли, ривожланишдан қолган. Афтидан колхоз раҳбарлари бу ерга жуда кам келадилар ёки мутлақо хабар олмайдилар. Колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Б. Султоновнинг иқрор бўлиб айтишига қараганда, шу участкадаги 50 гектар ернинг ғўзаси мажбуриятни эмас, ҳатто контрактация планини ҳам бажарадиган даражада ҳосил олмаган.

Биз, андижонликлар, Октябрь район пахтакорларига, яна 10-15 кун астойдил ишланг, ҳалитдан мағрурланманглар, район марказидан узоқдаги колхозларда ишни яхшилаш учун барча тадбирларни тўла амалга оширинглар, деб маслаҳат берамиз. Агар Октябрь районлик ўртоқлар бизнинг ана шу маслаҳатимизга амал қилсалар, барча майдонларда ҳосилнинг мўл бўлишига эришиб, социалистик мажбуриятларини шараф билан бажарадилар.

Донгдор пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маман ота Қўлдошев раҳбарлик қилаётган бригадада пахта ҳосили мўл бўлаётир. Бригада аъзолари ғўза парваришини шу кунларда ҳам қизғин давом эттириш билан бирга пахта йиғим-теримига ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Бригада хирмони, пунктга олиб борадиган йўл-кўприклар созланмоқда. Оққўрғон районидаги Тельман номли колхознинг ўртоқ М. Қўлдошев бошчилигидаги бригада аъзолари гектаридан 50 центнердан ҳосил етиштириш тўғрисидаги мажбуриятларини шараф билан бажариш учун курашмоқдалар. **Суратда:** ўртоқ **М. Қўлдошев** ғўзаларни кўздан кечирмоқда.

В. Епифанов фотоси.

Ҳосилга-ҳосил қўшиш янада кучайтирилди

Верхне-волинск районидаги илғор колхозларнинг аъзолари Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг август ойида ғўза парваришини ўтказиш тўғрисидаги қарорига амал қилиб, дала ишларини қизғин давом эттирмоқдалар. Ривожи паст ғўзаларни яхши ғўзалар қаторига етказиб олиш учун курашиб, чопиқ ва культивация ишларини сифатли ўтказмоқдалар, ўсимликни озиқлантириш ва суғориш бир-бирига боғлаб олиб борилмоқда. Айниқса Свердлов номли колхозда ғўза парвариши намунали ўтказилаётир. Колхоз аъзолари бу йил ҳар гектар ердан камида 32 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Илғорлар бу мажбуриятни ортиғи билан бажариш учун курашиб, барча зарур тадбирларни амалга оширмоқдалар. Колхозда тунги суғориш ишлари яхши ташкил этилган. Сувчилардан Жўраев, Дўсов каби ўртоқлар ўз вазифаларини яхши бажариб, ғўзаларни қондириб суғормоқдалар.

Колхоз аъзолари Андижон область пахтакорлари ўзаро текшириш бригадаси аъзолари томонидан берилган қимматли маслаҳатларни амалга ошириб ҳосилга-ҳосил қўшишни давом эттирмоқдалар ва бу соҳада яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар.

Б. ҲАМРОЕВ.

Ғўза парвариши пахта теримигача давом эттирилади

«Гулистон» колхозининг ўртоқ Э. Янгибоев бошлиқ бригада аъзолари 85 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 28 ўрнига 30 центнердан ҳосил етиштириш учун ҳаракат қилиб, эрта баҳордан буён астойдил ишламоқдалар ва мўл ҳосил тўпламоқдалар. Бригаданинг ғўзаси ҳозирга қадар 4 марта комплекс парваришдан чиқарилди. Бригада аъзолари августнинг ҳар бир кунидан унумли фойдаланиб, ҳосилга-ҳосил қўшиш соҳасида қатор тадбирларни амалга ошираётирлар.

Ҳозир бригаданинг ҳар бир туп ғўзасида 10-13 тадан бўлиқ кўсак бор. Бригада аъзолари механизаторлар билан ҳамкорликда ғўза парваришини пахта терими бошлангунгача давом эттиришга аҳд қилдилар.

Паст, ўсишдан орқада қолган ғўзалар қўшимча озиқлантирилиб, суғорилмоқда. Онаржон Зоирова, Тўхта Раҳимова каби чопиқчи қизлар кунлик нормаларини ортиғи билан адо этмоқдалар. Сувчилардан Д. Шарипов, У. Умрқулов ва К. Алимов каби ўртоқлар кунига 1,25-1,75 гектар ердаги ғўзага сув қўймоқдалар. Ленин номли колхозда ҳам ғўза парвариш қизғин олиб борилаётир.

Н. ШЕРБЕКОВ, М. АҲМЕДОВ.

Бекобод райони.

ТОШКЕНТЛИКЛАР АНДИЖОН ОБЛАСТЬ ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

Мусобақадошларга тенглашингиз

Дастлабки кунларда Ленин район колхозлари пахта далаларида бўлдик. Бу районни илғор, юқори ҳосилли деб бечиз айтмас эканлар. Ўтган йили 11.200 гектар ернинг ҳар гектаридан давлатга 31,3 центнердан пахта топширилибди.

Машҳур пахтакорларнинг бу йилги ҳаракатлари бошқача — ҳар гектар пахта майдонидан 32 центнердан ҳосил етиштириш! Ёз бўйи пешона тери тўкиб қилинган ҳалол меҳнатнинг самараси ҳозир кўриниб турибди.

Райониинг ҳамма колхозларида ҳам аҳвол деярлик бир хил: нормал қалинликда бўлган ғўза тупларида тўқ кўсаклар ғуж-ғуж. Бу — тунларини бедор ўтказаётган миришкор сувчиларнинг, ҳали ҳам «универсал» рулини маҳкам тутган моҳир механизаторларнинг, мўл ҳосил етиштириш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган азамат пахтакорларнинг тўплаган мўл ҳосили — она Ватанга совғаси!

Биз районнинг Сталин номли колхозида бўлдик. 60X60 схемасида ўстирилаётган 60 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштириш учун курашаётган ўртоқ Ёқубжон Раҳмонов бошлиқ бригада аъзоларининг ишлари билан танишдик.

— Ҳозирги 10 кун, — дейди,— бригада бошлиғи ўртоқ Раҳмонов, — ўтган икки ойга татийди, нега деганда мана шу 10 кун ичида яна бир ғайрат қилиб, ҳар туп ғўзанинг юқори шохларида камида 5-6 тадан тўқ кўсак бўлишига эришишимиз керак. Ана шундагина аҳдимизнинг уддасидан чиқамиз.

— Бунинг учун қандай тадбирларни амалга оширмоқдасиз? — қизиқиб сўради Урта Чирчиқ район ижроия комитетининг раиси ўртоқ И. Сотволдиев.

— Культивацияни давом эттирамиз, ғўзанинг бир кун бўлса ҳам чанқаб қолишига йўл қўймаймиз. Агар мана шу нозик кунларда «энди бизники бўлди» деб четга чиқадиган деҳқон бўлса ютқизиб қўяди. Мўлжалига ета олмайди, ишимизнинг охирини пишиқ қилмасак бўлмайди!

Бригадада тунги суғоришга алоҳида эътибор берилар экан. Кечаси ғўзанинг мағзи-мағзига сингиб, жилдираб оққан сув кўсакни семиртираркан, ғўзани яшнатар экан.

Район колхозларида ана шундай илғор бригадалар, машҳур пахтакорлар кўплаб топилади, худди бирининг таърифини қилсанг, назарингда иккинчиси қолаётгандай, бирни-биридан камситиб бўлмайди. Ҳаммасида иш қизғин, ғўза парвариши июль ойидагидек авжида!

57 ёшли Мамажон Олохиннов 40 йилдан бери пахтада ишлар экан, «суягим пахтада қотган, давлатим, тўқлигим ҳаммаси мана шу пахтадан» дейди у.

Унинг бригадаси бу йил 52 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштириш учун курашаяпти.

Бўка районидаги Хрущев номли колхознинг агрономи ўртоқ Н. Лигай Ворошилов номли колхознинг Турғун Сидиқов, Хрущев номли колхознинг Наби Жайноқов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида етиштирилаётган «147-ф» янги нав пахтага қизиқиб қолди. Бироз кичик бўлган ҳар туп ғўзада ҳозирнинг ўзида 16-17 тадан тўқ кўсак бўлганидан кейин қизиқмай бўладими?

— Неча центнердан ҳосил бермоқчисиз? — Н. Лигай Наби Жайноқовдан сўради.

— 40 дан мўлжаллаб турибмиз, — бригадир камтарлик билан жавоб берди, — бу йил биринчи марта экишимиз, кўп сув талаб қилар экан, етказиб суғориб турдик, ҳар ҳолда чакки бўлмади.

Ўртоқ Лигай бир дона кўсакнинг пахтасини олиб, чигитини санади, кейин бригадада 40 центнердан бемалол ҳосил етиштирилишига ишонч ҳосил қилди.

Биз Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Баҳодир Маъруфхўжаев раис бўлган Серго номли колхознинг Икром Йўлдошев, Шаҳобиддин Жўраев ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ҳам бўлдик. Ўтган йили гектаридан 33,6 центнердан ҳосил берган колхоз аъзоларининг бу йил 1171 гектар ернинг ҳар гектаридан 36 центнердан ҳосил етиштиришдек юксак мажбуриятларини ортиғи билан бажаришларига тўла қаноат ҳосил қилдик.

Ўзаро текшириш бригадаси аъзолари Ленин районининг машҳур пахтакорлари ишидан мамнун бўлдилар, улардан юқори ҳосил етиштириш соҳасида анча тажриба ўргандилар.

У. ЖОНГИТОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Шу кунларда Тошкент область пахтакорлари ўзаро текшириш бригадаси Андижон область колхоз ва совхозлари пахта далаларида ўзаро текшириш ўтказмоқдалар. **Суратда:** (чапдан ўнгга) Чинобод район партия комитетининг секретари **Х. Йўлдошев,** Мирзачўл районидаги Ленин номли колхоз бригадири **К. Шокиров** ва Верхне-волинск район ижроия комитетининг раиси **А. Расулев** ўртоқлар Чинобод районидаги Ворошилов номли колхоз ғўзаларини кўздан кечирмоқдалар. **Н. Собиров** фотоси.

Чет элларда

УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ГБСП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ТЕЗИСЛАРИ

БЕРЛИН, 25 август. (ТАСС). «Нейес Дейчланд» газетаси бугунги сонида «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллигига тезислар»ни босиб чиқарди. Бу тезислар Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг агитация ва пропаганда бўлими томонидан тайёрланган.

Тезисларнинг кириш қисмида бундай дейилади: Улуғ Октябрь социалистик революциясига бу йил 40 йил тўлади. Бу революциянинг ғалабаси социализм ва коммунизм даврини бошлаб берди. Тезисларда таъкидланишича, илгариги революцияларнинг ҳаммаси эксплуатациянинг бир формаси ўрнига иккинчи формасини келтирган бўлса, 1917 йил Октябрь революцияси эксплуатациянинг ҳар қандай формаларини тугатди ва бу билан жаҳон тарихида янги даврга асос қўйди. Бу давр кишининг киши томонидан эксплуатация қилиниши ва миллий асорат тугатилганлиги билан характерланади.

Тезисларда яна бундай дейилади: революция давомида большевиклар партияси томонидан олиб борилган муваффақиятли кураш пролетариат диктатурасини ўрнатишга олиб келди. Бу эса Совет Иттифоқида социализм қуриш учун ҳал қилувчи шарт бўлди.

1917 йилги Октябрь революцияси, дейилади тезисларда, шу билан бирга жаҳон социалистик системасининг вужудга келиши учун ва мазлум халқларнинг ўз мустақиллиги йўлида муваффақиятли кураш олиб боришлари учун бошланғич нуқта бўлди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғолибона революция эканлиги ва унинг халқаро миқёсда катта аҳамиятга эга эканлиги 40 йил мобайнида амалда исбот қилинди, истиқбол социализм қўлида эканлиги исбот қилинди.

Тезисларнинг дастлабки уч бўлимида Улуғ Октябрь социалистик революциясига тайёргарлик ва бу революциянинг ғалабаси тўғрисида ҳамда революциянинг халқаро аҳамияти ҳақида батафсил гапирилади.

Махсус бўлим совет халқининг Коммунистик партия раҳбарлиги остида социализм қуриш учун ва тинчликни сақлаш учун олиб борган курашига бағишланган.

Бешинчи бўлимда Улуғ Октябрь социалистик революцияси ва Совет Иттифоқининг Германиядаги тараққиётга ва немис ишчилар синфи ҳаракатига кўрсатган таъсири тўғрисида гапирилади.

Тезисларнинг бошқа бўлимларида совет халқининг Улуғ Ватан урушида Коммунистик партия раҳбарлиги остида гитлерчилар фашизмига қарши олиб борган курашини, шунингдек социалистик халқ хўжалигини тиклаш ва коммунизм қуриш учун олиб борилган курашни характерлайдиган асосий моддалар бор.

Саккизинчи бўлим Совет Иттифоқи бошчилигида жаҳон социалистик системасининг вужудга келиши, мустамлакачилик системасининг емирилиши, тинчликни таъминлаш учун кураш масалаларига бағишланган.

Тезисларнинг сўнгги бўлимига: «Германия Демократик Республикасининг вужудга келиши ва ривожланиши ҳамда ГДР билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстона муносабатлар» деган сарлавҳа қўйилган.

АФҒОНИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИ

Подшо Муҳаммад Зоҳир шоҳ нутқ сўзлади

ҚОБИЛ, 25 август. (ТАСС). Афғонистон мустақиллиги куни муносабати билан Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир шоҳ нутқ сўзлади. Подшо ўз нутқида, жумладан, бундай деди: Биз халқимизнинг ўз мустақиллигини сақлаш ва қаттиқ туриб ҳимоя қилишга қатъий қарор берганлигига аминмиз. Ватаннинг озодлигини қаттиқ туриб ҳимоя қилишдан иборат ана шу ният бизни дунёдаги барча катта ва кичик халқлар билан яхши муносабатларда бўлишга мажбур этади. Ҳукуматнинг ватандошлар асойишталигини таъминлаш ва уларнинг эҳтиёжларини қондириш соҳасида муваффақият қозониши ҳамиша халқ ёрдамига боғлиқдир. Шу мақсадда ишлаб чиқилган планнинг бир қисми узил-кесил ўрганилди ва амалга оширилмоқда, иккинчи қисми эса ҳали ўрганилмоқда.

Дўст мамлакатлар билан яхши муносабатларда бўлиш ва бу муносабатларни мустаҳкамлаш принципи мамлакат ташқи сиёсатининг негизидир. Бу сиёсат дунёдаги барча халқлар ва миллатлар билан дўстлик ўрнатиш ва бу дўстликни мустаҳкамлаш мақсадларини кўзда тутиб амалга оширилмоқда. Бу сиёсат бутун дунёда тинчлик ва инсоният осойишталиги манфаатларини ва миллий традицияларни сақлашга қаратилган. Афғонистон халқининг миллий эътиқод ва урф-одатларидан келиб чиқадиган интилишлари ана шу сиёсатга асосдир. Афғонистон халқаро масалаларда ҳамиша бетарафлик сиёсатига амал қилиб келди. Бу сиёсат ўзаро ҳурмат ва ишонч принципига ҳамда эркин фикр юритиш принципига асосланади. Афғонистон бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашни ташқи сиёсатнинг мақсади деб ва ўз миллий вазифаларини амалга ошириш учун керакли асос деб ҳисоблайди. Афғонистон бу жиҳатдан ҳамкорлик қилиш ва зўр ғайрат билан ишлашдан ҳеч қачон воз кечмайди. Афғонистоннинг бу соҳадаги интилишлари барча халқаро конференцияларда, БМТ уставини ҳурмат қилишда ва ана шу ташкилотнинг аъзолари билан ҳамкорлик қилишда ўз ифодасини топмоқда.

Ҳукумат ташқи сиёсий муносабатлар соҳасида ўз халқининг орзу-тилакларига доим амал қилиб, дўст давлатлар билан, хусусан қўшни давлатлар билан доим яхши муносабатларда бўлиб келди. Ворошилов жаноб олийларининг таклифига мувофиқ дўст ва қўшни мамлакат — Совет Иттифоқига яхши ният билан қилган сафарим ҳам худди шу мақсадни кўзда тутди. Бу сафар ҳар иккала қўшни мамлакат ўртасида дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш учун фойдали бўлди. Туркия Республикаси президенти Жалол Баярнинг, Покистон Республикасининг президенти Искандар Мирзонинг, Ҳиндистон Республикасининг президенти Прасаднинг таклифлари Афғонистон халқининг бу соҳадаги яхши ниятларини изҳор қилиш учун адо этилади. Мен бу таклифларни мазкур давлатлар билан муносабатларимизни мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилдим.

Бутун дунёда тинчликни таъминлаш бизнинг доимий истагимиздир. Бутун инсониятнинг бахт-саодати тинчлик бўлишига боғлиқдир.

Мустақиллик куни муносабати билан Афғонистон бош министри Муҳаммад Довуд ва Халқ кенгашининг раиси Муҳаммад Новруз ҳам нутқ сўзладилар. Муҳаммад Довуд ўз нутқида, жумладан, бундай деди: «Афғонистоннинг мустақиллигини сақлаш ҳозирги вақтда мамлакат фарзандларининг энг биринчи ва энг муҳим бурчидир. Мамлакатнинг фарзандлари мамлакатнинг прогресси тўғрисида ва унинг маънавий ҳамда моддий тараққиёти ҳақида тинмай ва соф виждон билан ғамхўрлик қилганларида ва ҳар қандай машаққатларни ўз зиммаларига олганларида, бу бурчни бажариш мумкин».

«Ташқи сиёсат соҳасида, — деди Муҳаммад Новруз, — биз барча дўст мамлакатлар билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга, тинчликни сақлаш, БМТ уставига мувофиқ, умумий адолат бўлишини таъминлаш учун ўзаро ҳурмат асосида бетарафлик принципларини сақлашга ҳаракат қиламиз. Бу эса, халқимизнинг ва бутун дунё халқларининг орзу ва тилакларига муносибдир.

Подшомизнинг дўст ва қўшни мамлакат Совет Иттифоқига қилган буюк сафари ана шу мамлакат билан яхши қўшничилик муносабатларимиз кун сайин кучайиб бораётганлигини таъкидлайди».

Шипка жангларининг 80 йиллиги

ШИПКА, 24 август. (ТАСС). Болгар халқи бугун ва эртага Шипка довонида бўлган машҳур жангларнинг 80 йиллигини тантана билан нишонлайди. Шипкада 1877—1878 йиллардаги озодлик уруши вақтида рус солдатлари ва болгар лашкарларининг қаҳрамонлиги айниқса яққол кўринган эди.

Бугун байрамдагидек безатилган Шипкада халқ сайиллари бошланди. Бу сайилларда неча ўн минглаб киши қатнашди. Эстрадаларда яқин жойдаги шаҳар ва қишлоқлар бадиий ҳаваскорлик коллективлари, шунингдек совет эстрадасининг Болгарияда гастроль бериб юрган артистлари концерт қўйиб бердилар.

Кечқурун катта мушакбозлик бўлди. Халқ сайиллари ярим кечагача давом этди.

Венгриянинг ички ишларига сурбетларча аралашишга қарши

ПРАГА, 25 август. (ТАСС). Чехословакия жамоатчилиги «Венгрия масаласи» деб аталган масаланинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти сессиясининг кун тартибига киритилиши муносабати билан қаттиқ ғазабланганлигини билдирмоқда. «Праце» газетаси бугунги сонида бундай деб ёзади: БМТ да «Венгрия масаласи» муҳокама қилиниши муносабати билан ғарб мамлакатларининг СССР га ва халқ демократияси мамлакатларига қарши бошлаган кампанияси уларнинг дунёда халқаро кескинликни юмшатишдан манфаатдор эмасликларини яққол кўрсатиб беради. Газета, бу масала Америка Қўшма Штатларининг қаттиқ талаби билангина БМТ сессиясининг кун тартибига киритилганлигини таъкидлайди. АҚШнинг бундай сиёсати венгер халқининг ички ишларига сурбетларча аралашишдан ва БМТ уставини қўпол равишда бузишдан бошқа нарса эмас.

АЛБАНИЯ МАТБУОТИ КУНИ

ТИРАНА, 25 август. (ТАСС). Бугун Албания матбуоти куни. 1942 йилнинг 25 августида Албания Коммунистик партияси, ҳозирги Меҳнат партиясининг органи «Зери и популлит» газетасининг биринчи сони босилиб чиққан эди.

Ҳозирги вақтда мамлакатда 10 газета ва 23 журнал чиқарилмоқда. Газеталарнинг тиражи урушдан авваддагига нисбатан 15 баравардан зиёд кўпайди.

Матбуот куни муносабати билан кеча Тиранада газета, журналлар, нашриётлар ходимлари, ишчи мухбирлари активининг тантанали йиғилиши бўлди.

Дакар меҳнаткашларининг забастовкалари тамом бўлди

ПАРИЖ, 25 август. (ТАСС). Париж матбуотининг билдиришича, Дакарда (Франция ғарбий Африкаси) хусусий корхоналар ишчилари ва хизматчиларининг бир неча кун давом этган забастовкаси тамом бўлган. Бу забастовкада 20 мингга яқин киши қатнашган. Иш ташловчилар бирлашиб, қатъий ҳаракат қилганликлари туфайли иш ҳақининг оширилишига муваффақ бўлганлар.

Америка-чанкайшичилар агентлари устидан ҳукм

ПЕКИН, 25 август. (ТАСС). Синьхуа агентлиги билдиради: Ляонин вилояти халқ суди 1955 йилда икки группа қилиб вилоятга юборилган тўртта америка-чанкайшичи агент устидан ҳукм чиқарди. Жосуслар саккиз йилдан тортиб умрбод қамоқ жазосигача ҳукм қилиндилар.

Америка-чанкайшичи агентлар Хитойга Америка Қўшма Штатларининг марказий разведка органи томонидан юборилган. Суд вақтида жосусларни қамоққа олиш пайтида улардан тортиб олинган тўппончалар, ўтсиз қуроллар, америка портатив рациялари ва бошқа анжомлар далил сифатида кўрсатилди.

Агентларнинг ҳар иккала группаси Хитойга туширилганидан кейин 48 соат мобайнида жамоат хавфсизлик органлари томонидан маҳаллий аҳолининг ёрдами билан қўлга олинди.

Сурияда Иорданиянинг уч жосуси қамоққа олинди

ДАМАШҚ, 25 август. (ТАСС). Газеталарнинг билдиришича, Сурия хавфсизлик органлари Иорданиянинг уч жосусини қамоққа олганлар. Улар террор қилиш учун Сурияга юборилган.

Финляндия маданият арбоблари ва парламент депутатлари делегацияси Тошкентга келди

СССР Маданият министрлигининг таклифига мувофиқ Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Финляндия маданият арбоблари ва парламент депутатлари делегацияси 25 августда Москвадан Тошкентга келди. Делегацияга профессор Вуоренринне Тойво Илмари бошчилик қилмоқда.

Тошкент аэродромида меҳмонларни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари В. Я. Емцов, СССР Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари, республика Маданият министрлигининг, чет эллар билан маданий алоқа қилиш Ўзбекистон жамиятининг масъул ходимлари, фан, маданият ва санъат арбоблари, жамоатчилик ва матбуот вакиллари кутиб олдилар. Финляндия делегациясининг аъзоларига гулдасталар тақдим қилинди.

Меҳмонлар келган куни республика пойтахтининг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Ташқи ишлар комиссиясининг раиси Р. Ғ. Ғуломов 26 август эрталаб Финляндия парламентининг депутатларини қабул қилди. У, меҳмонларга республика экономикаси ва маданиятининг ривожланиши тўғрисида гапириб берди, уларни қизиқтирадиган бир қанча саволларга жавоб қайтарди.

Делегация бошлиғи профессор Вуоренринне Тойво Илмари самимий қабул учун ташаккур билдириб бундай деди:

— Ўзбек халқининг тарихий қисқа муддат ичида халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида эришган ғоят катта ютуқлари бизни қойил қолдиради. Мирзачўлга сув чиқариш соҳасидаги тадбирлар айниқса катта таассурот қолдиради. Республика ҳукуматининг меҳнаткашлар тўғрисида кундалик ғамхўрлик қилаётганлиги жуда кўнгиллидир. Ўзбекистонда бюджет ажратмаларининг ярмидан кўпроқ қисми аҳолининг социал-маданий эҳтиёжлари ва соғлиқни сақлаш учун ажратилаётганлиги факти буни яққол кўрсатиб туради.

Сўнгра делегация аъзолари Тошкент тўқимачилик комбинатида бўлиб, корхонанинг цехларини, чиқарилаётган маҳсулотнинг намуналарини кўздан кечирдилар, ишчиларнинг меҳнат шароити билан қизиқдилар. (ЎзТАГ).

„ЙЎЛЧИ ЮЛДУЗ“

ЯШИН.

Драматург Яшин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллигига бағишлаб республикамиз ҳаётидан «Йўлчи Юлдуз» драмасини ёзиб тамомлади. Асарда Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши акс эттирилган. Биз қуйида шу асардан парча босмоқдамиз.

БИРИНЧИ ПАРДА ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Тўрахонбойнинг ташқари ҳовлиси. Ёз кунлари. Рўпарада ўймакорлик ва сиркорлик билан ишланган олди айвон, дангиллама меҳмонхона. Айвонга тоза гиламлар, атлас, адрас кўрпачалар тўшалган. Ўнгда катта кўча дарвозаси. Чапда ичкари билан ташқарини қўшадиган йўлакча. Ғани елкасида юк, ниманидир гингиллаб йўлакдаги омбордан чиқиб ичкарига шошилади. Гуласал йўлакда кўринади. Унинг эгнида хонатлас кўйлак, қулоғида қашқар балдоғ.

ГУЛАСАЛ — (юзини ярим яшириб) Ғанижон!

ҒАНИ — Лаббай.

ГУЛАСАЛ — Хўжайинингиз йўқмилар?

ҒАНИ — Янгитда мачитга равона бўлдилар.

ГУЛАСАЛ — Зап номозхон хўжайинингиз бор-да. Сиз қора меҳнатдан бўшамайсиз, у кишим ибодатдан...

ҒАНИ — Ўқиган номозларимнинг савобини арра қиламиз дейдилар. Чамамда мени жаннатгаям ўзлари олиб кирадилар шекиллик.

ГУЛАСАЛ — Шу бой бўладиган бўлса сизни жаннатдаям ўларча ишлатади. (Пауза) Жойномоз устида Собитни қарғаётгандир?

ҒАНИ — Қарғайди, Собитти умри томга чиққан майса, қуриб кетади, деятувдилар. Мана, кароматларига чечак чиқиб ётибди.

ГУЛАСАЛ — Собит бўлса ёшига тўлаяпти, — денг. Шунақа итнинг дуоси ижобат бўлса осмондан гўшт ёғмасмиди? (кулги) акангиз келиб суюниб қолдингизми?

ҒАНИ — Аммолейкин суюнчим ичимга тушди-да, ая!

ГУЛАСАЛ — Нега?

ҒАНИ — Акам ақлидан адашиб, тўртинчиларга қўшилиб диндан қайтиб кетди, бизни шарманда қилди. Кўча-кўйда бош кўтариб юролмай қолдинг киши. Э, кўйинг... (Ғани ичкарига йўналади. Гуласал оғир бир сўлиш олиб супага омонат ўтиради. Устинда осиғлиқ турган дуторни олиб чертган бўлади).

ГУЛАСАЛ — Уф... дутор чертсанг юракдаги сиқинтиларни пуркаб ташлагандай бўласан киши, ёш жонимга раҳминг келсин, худо!.. Ҳеч кимнинг менга ичи ачишмайди. Қани энди пар қанотим бўлса-ю, кенг кўкларга учиб кетсам, бир умр қутилсам бу азоб-уқубатлардан! Оҳ, шўрлик отам билиб-кўриб туриб мени Темиржондан жудо қилиб ўтга отди-я...

Олма деб отган отам,
Беҳи деб сотган отам.

Золим бойга қиз бериб (пауза) у бечора ҳам ноиложнинг кунидан берган. Ўлмаган менинг жоним. Темиржон... (дуторнинг ипларига тикилганча ўйга чўмади). Тақдир, пешона... (Рўмолини қоқиб, оғир босиб ичкарига кириб кетади, ичкаридан Ғани билан Зеби чиқади).

ЗЕБИ — Ғани ака! Бошингиз айландими? (Ғани кулади) Яна кулади-я, йиқилишга тос қолдингиз, бирам қўрқдимки... Туф-туф... (ёқасига тупуради).

ҒАНИ — Яланг ёлғон гапирасиз-да.

ЗЕБИ — Вой ановнинг шиқтини ишонмайди-я...

ҒАНИ — Йўғасам нега қумга тушган тангадек кўринмай кетдингиз?

ЗЕБИ — Кўринаяпман-ку... Кўзим тегди чоғи.

ҒАНИ — Қуралай кўз пирт учиради кишини, пучуғим.

ЗЕБИ — Пучуқ деманг! Боринг-э...

ҒАНИ — Мушук босган чуқварадай бурунчангиз бор.

ЗЕБИ — Ажаб бўпти! (Зоғора беради).

ҒАНИ — Бўйра-бўйра қўнғир сочларингиздан ўзим айланай!

ЗЕБИ — Бир гапириб ўн кулманг. Неча тою—неча қоп бўлди?

ҒАНИ — (оғзи тўла нон) Олтмиш той газлама, юз қоп нону, шакар. тўйни қачон қиламиз?

ЗЕБИ — Яна уч қовун пишиғи бор.

ҒАНИ — Ўҳу, унгача ўзимизам палагимиз ўлиб, қовунқоқи бўб кетар эканмиз-да.

ЗЕБИ — Ўзингиз яримта зоғорага зорсиз-у, яна ғўй дейсиз-а?

ҒАНИ — Тақдир қаламидай бир қаттиқ қалам мепуришинг шу туришинг деб пешонамга ёзиб қўйган бўлса нима қилай? Кунжара билан ажриқ ураётганларнинг саноғи йўқ. Ҳа, зоғорага ҳам шукур.

ЗЕБИ — Ростданам юртга жавур. Бой тоғадан сўрасалар бермасмикин?

ҒАНИ — Тоғангиз Тўрахонбойданми? Қиш куни қор сўрасангиз ҳам бермайди.

ЗЕБИ — (қўлларига қараб). Вой мен ўлай, қўлларим парсилдоқ бойлаб қавармаган жойи қолмапти-ку, майли намакопга солиб қотириб олсам яна яхши.

ҒАНИ — Кўрсатингчи?

ЗЕБИ — Мана!

ҒАНИ — (қўлидан тутиб ўзига тортиб). Бу қўл эмас, чўғ...

ЗЕБИ — Тегажоғлик қилманг. Заҳар аям кўриб қолса, нақ пешонамга данак чақади-я.

ҒАНИ — Дарров кишини шаштини қайтарасиз-да, ҳа Асал аянгизчи?

ЗЕБИ — (майин кулиб) Баҳридили очилади. (Бидирлаб). Асал аямчи тоғамга кўнгилсиз. Аям акангиздан ҳали-ҳали кўнглини узмапти, қачон қарасам кўзидан мунчоқ-мунчоқ ёш тўкилгани-тўкилган... унақайкан тоғамга тегиб нима қиларди.

ҒАНИ — Қалдирғоч қора бўлур,
Қаноти ола бўлур.
Ёшликда берган кўнгил
Айрилмас бало бўлур.

Агар бу Гуласал бой тоғангизга хотин бўлишга кўнмасайди бой унинг отасига ярим ботмон буғдой бермас эди. Шу билан бутун бир хонадоннинг ястиғи аллақачон қуриб кетарди, Зебихон... Ҳа... Камбағалга осон тутманг, минг қилса бойнинг жиянисиз-да.

ЗЕБИ — Тоғам бўлгани билан бу бой жудаям бизни ёлчитиб қўйяптими. Қайтага кўпроқ меҳнатга солади.

ҒАНИ — Акамга таъсиб қилиб менам жўнаб қолсамми деб турибман, Зебихон.

ЗЕБИ — Мени ташлаб-а? (кулиб).

Мени ташлаб номард сенга йўл бўлсин?
Ажаб ёрларим. (Кескин) Бирга кетамиз.

ҒАНИ — Ҳазил, бойдан қарзим бор, Зебихон!

ЗЕБИ — Мана шуда. Яланг хўл жувари тушган тегирмон тошидай айнийсиз қоласиз.

ҒАНИ — Кириб кетманг, гап чала қолмасин.

ЗЕБИ — Қўйинг ўзингиз ҳам дўппини кўрганда тўрт кун гапирадиган бўпсиз.

ТЎРАХОНБОЙ (дарвозани қоқиб) — Ғанижон, ҳой Ғанижон!

ҒАНИ — Ҳозир! (бориб дарвозани очади. Зеби кириб кетади).

ТЎРАХОНБОЙ — Хўш, ҳаммасини жойлаб ташладингми? (Қалин қовоқлари остидан Ғанига зеҳн солиб қарайди).

ҒАНИ — Жойладим, бой ота.

ТЎРАХОНБОЙ — (бўғиқ, дўриллаган товуш билан) Қўни-қўшнининг кўзи тушмадими? Сўрасалар билмадим-де! Жияним Зебиниям бўйи чўзилиб — ҳадди камолига етиб қолди. Совчилар эшигимнинг турмини бузишаяпти. Бирини ўпоқ, унисини сўпоқ деб қайтараяпман, ўғлим. Сирим шуки, Зебини сенга бераман. Юртга тўй бериб очларнинг дуосини оламиз худо хоҳласа.

ҒАНИ — (ҳанг-манг бўлиб) Бой ота?

ТЎРАХОНБОЙ — Мен сенга бирни берсам худо менга ўнни беради, болам.

ҒАНИ — Қуллуқ бой ота!

ТЎРАХОНБОЙ — Худога шукур, юртда қаҳатчилик. Нон деса кесак ғириллаб келадиган замон. (Бирдан Ғанининг кўзига тикилиб амирона) Тилингни тий! Қани чилим сол! (меҳмонхонага кириб яна қайтиб чиқади. Қўлида қутича. Ғани чилим тутади. Бой чилим тортади. Йўлакка бориб Зебини чақиради) Зеби кичик аянгга айт, йўлакка чиқсин! (Гуласал йўлакка келади, салом беради. Гуласални кўрган бойнинг руҳи тетикланади) Қовоқларинг салқиган... Кундошларинг хафа қилишдими?

ГУЛАСАЛ — Йўқ... ўзим.

ТЎРАХОНБОЙ — Ютганинг ўзингники, чайнаганинг гумон. Дўконлар ёпилди, завод, гастинса, қўраларни ўз қўлим билан топширдим. Қамалмай қолдик, шу ҳам худонинг иноятти. Энди кўмган, яширганларимизни маҳкам қилайлик. Ма, ушла! (Ҳирсли кўзлари билан тикилиб қутичани узатади) Бриллиант ҳам олтин асбоблар. Ҳаммаси сеники!

(Гуласал қутичани олиб ноилож тек туради. Ҳаллослаб Ислом киради).

ИСЛОМ — Дада! Дада! (қулоғига пичирлайди).

ТЎРАХОНБОЙ — (юраги орқасига тортиб) А?! (Гуласалга) Кир! Кейин... (Қизил гвардиячилар кийимида Темир кириб келади. Бойнинг жон-пони чиқади-ю, лекин сир бермай, очиқ чеҳра билан қаршиолишга уринади. Темирни кўргач, Гуласалнинг қўлидаги қутича «тап» этиб ерга тушади, бир зум деворга суялганча тек қолади. Яна эс-ҳушини тўплаб, апил-тапил ердан қутичани олиб ичкарига отилади).

ТЎРАХОНБОЙ — Э, Темиржон! Келинг, келинг, иним! Зап келдингиз-да... Қайси шамол учирди?

ҒАНИ — (отхонадан чиқиб) Ака!

ТЕМИР — Ғанимисан? Ука! (Қучоқлашиб кўришади) Касал деб эшитдим, ҳайрият рангинг бир яхши. (Қўлтиғидаги тугунчани Ғанига узатиб) Мана, кийиб ол!

ҒАНИ — Ҳожати йўқ эди. (очиб кўриб) аҳе... Бу пўрим этикку, ўзингиз киярсиз...

ТЕМИР — Кийиб ол!

ТЎРАХОНБОЙ — Ол! Қуллиқ қил акангга! Ислом, дастурхон! Кичик аянгга айт, паловга уринсин. қани марҳамат юқорига!

ТЕМИР — Ҳожати йўқ, кетамиз.

ТЎРАХОНБОЙ — Туз ичган жойга ҳурмат йўқми? Ёки золим хўжайинникидан туз татишга ановлардан қўрқасизми?

Ҳа, ха, ха!

ТЕМИР — Бир иш важидан...

ТЎРАХОНБОЙ — Иш қочмайди. (Бирдан чўчиб) Қанақа иш?

ТЕМИР — Хўп десангиз олам гулистон

ТЎРАХОНБОЙ — Қани эшитай?

ТЕМИР — Очарчилик... Юрт абгор, қийналган...

ТЎРАХОНБОЙ — Ҳа! юртга қийин бўлди. Халқ қозонини сувга ташлаб қўйган. Фарғонада ҳар куни юзлаб одам ўляпти. Москва нон бермай қўйди. Ўруснинг ўзи оч, ўзи.

ТЕМИР — Тўғри, халқнинг қозони сувда, лекин ёнларидан ел ўтмаган баъзи балохўрларнинг пичоқлари ҳали ҳам мой устида ўйнаяпти! Рус топган бир парча нониниям биз билан баҳам кўряпти.

ТЎРАХОНБОЙ — Мусулмон қириляпти. Мана битта мусулмон сизмисиз, кемада туриб кемачини бўғасиз (айёр кулиб) Ана мусулмончилик, ана одамият!

ТЕМИР (тутоқиб) Қоқитманг! Юрт оч, юрт шип-шийдам, уруш, очарчилик... ҳар қадамда муҳтожлар, сон-саноқсиз очлар чирқираб юришибди... Шундай экан нима учун сиз той-той газлама, омбор-омбор буғдой-донларни ерга кўмиб чиритасиз?! Юртга бермайсиз?! Ҳеч бўлмаса мусулмонларга, нон деб жон бераётган мусулмонларга беринг! Йўқ бермайсиз. Сиздан нон сўраш бўри кўксидан сут сўрагандай гап! Шуми мусулмончилик, шуми одамият?!

ТЎРАХОНБОЙ — (заҳар кулиб) Ҳой, Темир, маст-пастмисиз, иним? Ҳақингиз бўлса айтинг, берай, гардонимда кетмасин!

ТЕМИР — Мен ўз ҳақимни талашаётганим йўқ. Юртнинг молини беринг деяпман!

ТЎРАХОНБОЙ — Ўзим очман, ўзим!

ТЕМИР — Тўғри, балиқ сувда туриб ҳам чанқадим дер экан.

ТЎРАХОНБОЙ — Ҳа! Тилингизни ханжар қилиб қайтибсиз-да, а? Тўрғай кутирса бургутга чопаркан.

ТЕМИР — Гапни калта қилинг, бой! Кўмикда ётган молларни чиқариб берасизми, йўқми?

ТЎРАХОНБОЙ — (ғазабли) Ҳеч нимам йўқ!!

ТЕМИР — Бор! Кишидагининг калиди осмондами?

ТЎРАХОНБОЙ — Топиб ол, бўлса!

ТЕМИР — Топиб ҳам оламиз!

ТЎРАХОНБОЙ — Айтиб қилган ўғирликнинг айби йўқ-да! Рост, олтинни кўрса фаришта ҳам йўлдан тояди!

ТЕМИР — Ҳақорат қилманг!

ТЎРАХОНБОЙ — Қўлингдан келганини қил!

ТЕМИР — (бутун гавдаси билан илгари отилиб, бойнинг кўзига тикилади) Яхши! (Шахдам қадам ташлаб дарвоза томон йўналади).

ИСЛОМ — (Безовта) Дада!.. Ахир буларга дағал гапириб бўлмайди. Ширин гап билан алдаш керак.

ТЎРАХОНБОЙ — Отангман, ўргатма!

ИСЛОМ — Товба қилдим.

(Темир Аваз, Артём, Жақип ва икки-уч қизил гвардиячилар билан яна қайтиб киради).

ТЕМИР — (Бойнинг кўзига қаттиқ тикилиб). Қаерга бекитгансиз? Ўзингиз кўрсатинг!..

ТЎРАХОНБОЙ — (Кўзлари қонга тўлиб, босиқ) Бостириб киришга нима ҳақинг бор?!

ТЕМИР — (қоғоз кўрсатиб). Ишчи-солдат депутатларининг Тошкент шаҳар Совети қарори билан уйингизни обиска қиламиз, мана!

ТЎРАХОНБОЙ — Ҳеч нарса тополмайсан!

ТЕМИР — Жақип!

ЖАҚИП — Нени дейсен?

ТЕМИР — отхонани қараб чиқ, бойвачча сенга йўл кўрсатади. Тушундингми?

ЖАҚИП — Тусуникти...

ТЎРАХОНБОЙ — (Исломга) Бор, ўғлим!

ТЕМИР — Артём!

АРТЁМ — Ўртоқ командир.

ТЕМИР — Сен меҳмонхонага кир!

АРТЁМ — Хўп!

ТЕМИР — Аваз, сен дарвозада тур! Бой, юринг омборни кўрамиз.

ТЎРАХОНБОЙ — Ўзинг қара, омборда лоҳавлаям йўқ! (қўл силтаб Артём билан меҳмонхонага кириб кетади. Темир йўлакка келиб омборхонанинг қулфига қўл узатганда «Тўхтанг!» деган шиддатли хитоб эшитилади. Темир эшик қанотида юзини ярим пана қилиб турган Гуласални кўриб тақ қотади).

ГУЛАСАЛ — (аламли) Бузманг!!

ТЕМИР — Омонмисиз?

ГУЛАСАЛ — (Титроқ товуш билан) Салом. Танидингизми?

ТЕМИР — (Энтикиб) Кирган заҳоти...

ГУЛАСАЛ — Эсингиздан чиқармабсиз...

ТЕМИР — Ўлгунча.

ГУЛАСАЛ — Менга ёмонликни раво кўрмассиз?..

ТЕМИР — (кўзлари чақнаб) Асло!

ГУЛАСАЛ — Сизга мол керакми?

ТЕМИР — (тунд) Йўқ!

ГУЛАСАЛ — Бойда дунё йўқ. Овора бўлманг!

ТЕМИР — (кескин) Топиб оламиз!

ГУЛАСАЛ — (мийиғида кулиб) Мен ялиниб-ёлворсамчи? (Темир жим) Ахир силтаб ташламассиз. (Темир жим) Мол-дунёга муккадан кетибсиз-да?..

ТЕМИР — (ачитиб) Молу дунёга сиз учгансиз...

ГУЛАСАЛ — Мол-дунё сизга керак... Менга эмас!

ТЕМИР — Менга ҳам керак эмас!

ГУЛАСАЛ — (киноя) Кимга керак бўлмаса?

ТЕМИР — (овозини кўтариб) Юртга! Оч-яланғоч юртга! Ғалла-донларни яширасиз, юртга бермайсиз! Бой хотинисиз-да, Гуласал! Бой хотин! (Буларнинг сўзини Ислом пойлаб эшитади).

ГУЛАСАЛ — (чидамай) Бас! Бой хотин ўлсин! Дунёга надомат билан келувдим, ҳасрат билан ўтаман энди. Отам бир парча нонга кўзлари нигорон бўлган икки оч укамни ерга қўйди. Бошқа иложим қолмади ахир.

ТЕМИР — Ернинг юзида, кунинг кўзида юрганингиз яхши, Гуласал! Койиманг, қаттиқ тегдим.

ГУЛАСАЛ — Етим-есирларга чинакам жавур бўлди... Тўғри айтасиз. Икки укам, шўрлик онам нон деб туриб жон беришди. Эсимга тушса, дод дегим келади... (ўйлаб қатъий) Майли сўраб-билиб менинг уйимга киринг. Катта ружани обташлаб меҳробни бузсангиз йўл очилади. Ана шу йўлдан боравер-сангиз ҳамма нарсани топасиз... Ҳа буниям олинг.... (Бой берган кутичани узатади).

ТЕМИР — Бу нима?

ГУЛАСАЛ—Очларга ҳадям...

ТЕМИР — (олиб кўриб) Йўқ... бу ҳаммаси бриллиант, қиммат баҳо тошлар-ку, олмайман...

ГУЛАСАЛ — Олинг, хафа қилманг...

ТЕМИР — Ахир... (олади, Гуласал кириб кетмоқчи бўлади).

ТЕМИР — Гуласал!

ГУЛАСАЛ — (Нимжон қалтироқ овоз билан) Лаббай!

ТЕМИР — Раҳмат...

ГУЛАСАЛ — (Титраб) Гуноҳимдан ўтинг. Илойим мендай соврилманг.

ТЕМИР — Сизда гуноҳ йўқ.

ГУЛАСАЛ — Ўзимни ўлдиролмадим-ку, бу гуноҳ эмасми, ахир! Барибир мен ўлган аёлман, хайр! (Ўзини ичкарига отади, Темир жим қолади).

ТЕМИР — (Бақириб) Жақип! Аваз! Юринглар! Қани бой ота, бошланг! Пўшт-пўшт. Аёллар нари турсин! (Ғанига) Ғани юр, ука! Йўл кўрсат!

ТЎРАХОНБОЙ — Ичкарига кира кўрма! (Ғанининг қулоғига) Ғани! Зебига ҳам чанг солишади булар, кўзингни оч!

ҒАНИ — Бой ота!

ТЎРАХОНБОЙ — Гапир, жиғаринг!

ҒАНИ — Ака, қайтинг! Бой отада ҳеч гап йўқ!

ТЕМИР — Бойнинг ёнини олиб қопсан ука! Оғриқ ошдан, ёв қариндошдан бўладими? Нари тур!

ҒАНИ — (шарт йўлини тўсиб) Етти пуштимиздан босқинчи чиқмаган! Кишининг мулкига тегма, ака! Отам гўрида тик туради бу ишингга!

ТЕМИР — Руҳи шод бўлганиданми?

ҒАНИ — Сендай ўғилни бино қилганидан!

ТЕМИР — Бадбахт (шапалоқ уради).

ҒАНИ — (жаҳлини ютиб) Яна бир ур, ёриб ташламасам мени итнинг олдига боғла!

ТЕМИР — Мана! (шапалоқ уради).

ҒАНИ — Бекафан ўлган отамнинг арвоҳи урсин сени ўз қўлим билан чавақламасам (пичоқ суғуриб шиддат билан югуради).

ТЕМИР — Ур, номард! (кўксини шарт очиб беради. Ғани, қўлида пичоқ, узоқ туриб қолади. Бирдан пичоқни синдириб ерга улоқтиради. Темирнинг кўзларига олов кўзларини тикади).

ҒАНИ — Ака! Бу ярамас йўлдан қайт ё яна қайта кўзимизга кўринма! Каллангни шарт оламан! (тез чиқиб кетади).

ТЕМИР — (анча жим бўлиб қолади сўнг). Қани юринглар! (ичкарига кириб кетадилар, пауза, Тўрахонбой гоҳ ичкарига, гоҳ ташқарига зир югуради, Ислом отасини қўлтиқлаб чиқади, супага ўтқизади, елпийди).

ИСЛОМ — Ота! Сизга нима бўлди? Отажон?

ТЎРАХОНБОЙ — Ҳеч гап йўқ, ўғлим... (хансирайди, ўзини босишга уринади, тўсаттан бақиради) Унутма! Чида!! Лекин одам боласини қўғирувчи жаҳаннам бўл! Кир! Ўлдир! Шундай қилмасанг рози эмасман, ўғлим!

ИСЛОМ — Мана сув! Отажон, аравага юклашаяпти.

ТЎРАХОНБОЙ — Менга деса ҳовлимга қўш солиб юборишсин! Тамом! (жиддий) Шошма, булар кўмикда ётган молларни жўнгина топиб олишди-я...

ИСЛОМ — Биров чақди, мен пайқадим.

ТЎРАХОНБОЙ — Ким, Ғанимми?!

ИСЛОМ — Йўқ... Кичик аям...

ТЎРАХОНБОЙ — Гуласал?!

ИСЛОМ — (Сирли) Ҳа бу ўшанинг иши... Ҳозиргина йўлакда учрашди булар!

ТЎРАХОНБОЙ — Темир билан-а?! Ҳа-ҳа?.. (Темир, Жақип, Авазлар киришади).

ТЕМИР—(Қоғоз кўрсатиб) Мана юз тўп газлама, саксон қоп буғдой, йигирма яшикда чой, ўн беш яшикда ишланган тери, ўн қоп шакар, гугурт, совун, ўзингизга ҳам пичасини қолдирдик. Қўл қўйинг.

ТЎРАХОНБОЙ — (бошини кўтармай) Она сутидек ҳалол бўлсин.

ТЕМИР — Қўлни қўйинг! (бой ноилож қўл қўяди) Бойвачча (Ислом ҳам қўл қўяди. Булар чиқиб кетишади, пауза).

ТЎРАХОНБОЙ — Ислом, чақир ановини!

ИСЛОМ — Хўп. (кириб кетади. Дарвозада тиланчи аёл кўринади).

АЁЛ — Болам касал, хайр қилинглар, яхшилар!

ТЎРАХОНБОЙ — Оллодан сўра. Ўзим бор давлатдан ажралиб сирривалқайроқ бўлиб ўтирибман.

АЁЛ — Э худо, ҳали мен илондан шакар тилаб келдимми.

ТЎРАХОНБОЙ — Ғани қайда, касал тарқатади. (Аёл кетади. Ислом. Гуласал чиқадилар).

ТЎРАХОНБОЙ — Ўзинг нари тур! Шундоқ денг! (Битта-битта босиб Гуласалга яқин боради) Ниятингиз, ойимбека?

ГУЛАСАЛ — (Кўзини бир нуқтадан узмай) Билмайман...

ТЎРАХОНБОЙ — Қўрққанингдан айтдингми?

ГУЛАСАЛ — Ўзим...

ТЎРАХОНБОЙ — Қорнинг тўйдими?!

ГУЛАСАЛ — (Дадил) Мен тўқман, лекин эл-халқ оч! Ота-онам оч...

ТЎРАХОНБОЙ — (Ўз қулоғига ишонмагандай) Ё олло! Большевой ўз ичимда-ку! Исқирт отангизнинг кепатаси ёдингиздан чиқдими? Эшак мунчоққа зор бўлган бўйнингиз марварид-маржон, қулоғингиз олтин балдоқлар кўрди. Шуларни унутдингизми?! А?!

ГУЛАСАЛ — (Қўлидан чиқиб) Тўхтанг! Мен била туриб мол-давлатингизни очларга бердим. Мени ҳар нима қилсангиз ҳақингиз бор. Хотинингизман, мана, мени ўлдиринг! (қулочини кенг ёзиб бошини орқага ташлаб жим қолади. Гуласалнинг тарқалиб кетган қўнғир кокиллари, ёш гавдаси бойнинг қаҳрига сув сепгандай бўлади).

ИСЛОМ — (безовта бўлиб) Нега қараб турибсиз ота! Бундай хотинни янчиб...

ТЎРАХОНБОЙ — (ўкириб) Йўқол! (Ислом чиқади. Ўзини босиб Гуласалга яқин келади) Йўқ! Сени ўлдирмайман. (Қовжираган товуш билан) Сен бўлмасанг менга олам тор қафас. Ҳайда десанг кундошларингни ҳаммасини ҳайдайман, уларни тирноғингга олмайман. Сен кетсанг мендан ором кетади, ором! Йўқ, йўқ... Шафқат қил менга (кўз ёшларини артади).

ГУЛАСАЛ — (кўзларига жиққа ёш олиб) Жавобимни беринг, мен кетай. Илойим асти кам бўлманг.

ТЎРАХОНБОЙ — (хушёр тортиб) Жавоб? (дарғазаб) Кир ичкарига (Гуласал кириб кетади. Бой ўртада анча туриб қолади. Бирдан қозиқдаги ўрма қамчини олиб ичкарига йўналади. Ғани кўчадан кириб келади, ўтириб ўй суради. Ичкарига қулоқ солади. Азоб чекади. Бир неча бор йўлакка бориб қайтади. Шарпа. Ўзини олади. Бой ёқаси очиқ, салласи чувалган, қутирган ҳолда чиқиб келади).

ИСЛОМ — Ота!

ТЎРАХОНБОЙ — Ўлдими?! Жазоси шу...

ИСЛОМ — Ҳушидан кетиб ётибди.

ТЎРАХОНБОЙ — Эрнинг отини оти чиқаради ё хотини! (пауза) Олам соф! Нажот йўқ! Наҳотки кечагина қамчинг остида зир титраган сарпоёқлар бугун бошингга чиқсалар! Наҳотки, бизга ҳеч ердан нажот бўлмаса? Нажот борми?!

(Қўлида газета, ҳовлиқиб Саидий киради).

САИДИЙ — Бор!

ТЎРАХОНБОЙ — Қани?

САИДИЙ — (газетани баланд кўтариб) мана нажот, бой!

ТЎРАХОНБОЙ — (кўзлари ўйнаб) Нима гап?!

САИДИЙ — Суюнчини узатинг!

ТЎРАХОНБОЙ — гапиринг, борим сизники, Саидий!

САИДИЙ — Июль ойининг учида атаман Дутов Оренбургни янгидан олиб Туркистонни Россиядан ажратиб ташлаган эди. Кеча ўн биринчи июлда Закаспийда ҳам большевиклар ҳукуматини Фунтиков билан Ўроз сардорлар ағдариб ташлашипди! Ана сизга нажот, бой!

ТЎРАХОНБОЙ — Саидий! (Кулоч очиб боради) Ҳайрият!.. дўстим.

САИДИЙ — Полковник Бейли, уч кун бўпти, Қашқардан Тошкентга қараб йўлга чиқибди. Америкадан Тредуэлл деган зот Тошкентга консул бўлиб келган.

ТЎРАХОНБОЙ — Яна завод, қўра, ер-сув! Ҳали мен Темирни букаман, темирни! Ана нажот, ана бахт!

САИДИЙ — Иккаламизни дўстингиз Назаров боғига таклиф қилган. Барвақт борайлик.

ТЎРАХОНБОЙ — Ислом, юр ўғлим. (кетишади калтакдан эзилган сочлари тўзғин, юз-кўзлари қон Гуласал беҳол чиқиб келади. Темир ўтирган жойга келиб бир зум тик туради. Тоқати тугаб қаттиқ бир дод чекиб йиқилади. Тўлиб-тўлиб йиғлайди).

ПАРДА.

Тошкентдаги республика санъат музейида Ўзбекистон рассомлари асарларининг Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллигига бағишланган виставкаси очилди. Виставка тамошабинларда катта таассурот қолдирмоқда. **Суратда:** виставка залларидан бирида. **И. Глауберзон, В. Сироткин** фотоси.

Текинхўр безорилар сургун қилинди

Халқимиз жонажон партия ва ҳукуматимизнинг халқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисидаги директиваларини амалга ошириш ҳамда халқ фаровонлигини тобора яхшилаш учун фидокорона меҳнат қилмоқда.

Лекин ҳалол меҳнат ва жамоат ишларидан бўйин товловчи, безорилик қилиб, кўпчиликнинг тинчини бузувчи айрим шахслар ҳам йўқ эмас.

Октябрь район, Қизил кўприк маҳалласида яшовчи Шаҳодат Нормирзаева шундай унсурлардан бири. Унинг ёши 18 да. Ўрта мактабнинг 7-синфини тамомлаб, ўқишни ташлаб кетган. 1956 йилда 2 ойча ишлаб, меҳнатдан бош тортди, осон йўл билан яшаш пайига тушди. Шаҳодат аҳлоқий томондан бузилди. Ёлғиз онасининг гапига қулоқ солмайдиган бўлиб қолди. Уйига номаълум, шубҳали кишиларни бошлаб кела бошлади. Нормирзаева маҳалла аҳолисининг тинчини бузишдан ташқари, онасини бир неча марта калтаклаб, безорилик қилди.

Шаҳодат бора-бора қаллоблик йўлига кирди. У бир кун такси машинада сайр қилиб, 200 сўмни тўламай қочмоқчи бўлганида қўлга тушди. Тахтапул маҳалласида яшовчи содда Мукар Примовани доғулилик билан алдаб, безакларини олиб қочди. Шаҳодат кейинги вақтларда ёш қизларни мактабдан бездириш йўлига ҳам ўтди. У бундай ярамас ишлари учун бир неча марта милиция органларига келтирилди, маҳалла аҳолиси тартибга чақириб огоҳлантирди. Шаҳодат шундан кейин ҳам тузалмади, аксинча, безориликни давом эттираверди. Маҳалла аҳолиси унга тегишли чора кўришни талаб этиб, жуда тўғри иш қилди.

Яқинда маҳалла меҳнаткашларининг умумий йиғилиши бўлди. Йиғилишда меҳнаткашларнинг ижтимоий фойдали меҳнатда иштироки ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

Сўзга чиққан А. Азимов, Саидаҳмедов ўртоқлар Нормирзаеванинг хулқи бузуқлигини бир қанча фактлар келтириб кўрсатдилар ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Қонунига мувофиқ маҳалладан сургун қилишни таклиф этдилар. Таклиф кўпчилик томонидан якдиллик билан маъқулланди. Умумий йиғилишда Нормирзаевани Ўзбекистон ССР Олий Советининг «Жамият учун зарарли, текинхўр унсурларга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ беш йилга сургун қилишга қарор қилинди. Халқнинг ҳукми район ижроия комитети томонидан тасдиқланди.

Сталин маҳалласи, меҳнаткашларининг қарори билан аҳлоқий жиҳатдан бузилган, жамият учун зарарли Рихси Умаровани беш йилга, Куйбишев маҳалласида яшовчи, безорилиги учун уч марта судланган, текинхўрлик билан кун кўрувчи Александр Максимович Шаповаловни уч йил муддат билан узоқ жойга сургун қилиш ҳақида чиқарилган қарорлар ҳам тасдиқланиб, амалга оширилди.

Жамоатчиликнинг **ҳукми** қатъий. Текинхўрларга қарши курашни янада кучайтирайлик!

Ш. КУЗАНБОЕВ.

МИСР ЖУРНАЛИСТЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШИ

«Известия» газета редакциясининг таклифи билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган «Алжумҳурия» газетасининг бош редактори Аҳмад Қосим Гуда жаноблари бошчилигидаги Мисрнинг атоқли журналистлари делегацияси бир неча кун давомида Ўзбекистонда бўлди.

Делегация аъзолари ўзбек халқининг ҳаёти билан танишдилар. Улар Тошкент тўқимачилик комбинатида газлама чиқариш процесси билан, ишчиларнинг меҳнат ва турмуш шароити билан қизиқдилар. Меҳмонлар Оржоникидзе районидаги Сталин номли колхозда пахта далаларини, артелнинг хўжалик биноларини кўздан кечирдилар, колхозчиларнинг уйларида бўлдилар. Меҳмонлар Тошкентнинг кўпгина театрларида, паркларида ва бошқа маданий-оқартиш муассасаларида, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диния назоратида бўлдилар.

Мисрлик журналистлар Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари М. М. Мусохонов билан, Тошкент иқтисодий-маъмурий районн Халқ хўжалиги кенгашининг раиси Э. Э. Эгамбердиев билан, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти С. Ю. Юнусов билан суҳбатлашдилар, Тошкент журналистлари билан учрашдилар. Делегация Самарқандга бориб, у ерда тарихий ёдгорликларни тамоша қилди, шаҳар касалхоналаридан бирига борди.

25 августда Миср журналистлари делегацияси Тошкентдан Москвага жўнаб кетди. Делегация бошлиғи Аҳмад Қосим Гуда жаноблари жўнаб кетиш олдидан Ўзбекистонда бўлган вақтида олган таассуротларини ЎзТАГ мухбирига гапириб берди. У таъкидладики, республика экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда ўзбек халқи эришган ғоят катта ютуқлар делегация аъзоларини ғоят хурсанд қилган.

Совет ҳокимияти йиллари ичида ўзбек деҳқонларининг ҳаётида бўлган ўзгаришлар, — деди, жумладан, А. Қ. Гуда, — бизларда ғоят катта таассурот қолдирди. Биз борган колхозда меҳнат маданиятининг юксаклиги, машиналарнинг кўплиги, пахтакорларнинг катта даромад олаётганлиги бизларни қойил қолдирди. Бизлар ана шуларнинг ҳаммаси тўғрисида шодлик билан ўз газетхонларимизга гапириб берамиз.

Миср журналистлари делегациясининг раҳбари делегация аъзоларини самимий кутиб олганликлари учун республика меҳнаткашларига қизғин ташаккур билдирди.

(ЎзТАГ).

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 27/VIII да **Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим**, 28/VIII да **Алишер Навоий**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 29/VIII да **Шўрали**.

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечқурун **янги бадиий фильм Солдатлар.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Солдатлар**, кеч соат 10 да **Дайди** (1 ва 2-серия).

«ХИВА», «УДАРНИК» — **Солдатлар.**

«САЛЮТ» — кеч соат 8 яримда **Бизнинг ҳовли**, кеч 10-20 минутда **Берлин романи.**

Ўзбекистон кўчаси, 85-уйда турувчи **Светлана Давидовна Ароцкернинг** Шелковичная кўча, 66-уйда турувчи Давид Анатольевич Кременчуцкийдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 4-участка халқ судида кўрилади.

Сталин номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тўқимачилик комбинатининг

ФЗУ мактаби

7, 10-синф ҳажмида маълумоти бўлган кишилардан қуйидаги ўзбек ва рус группаларига 1 сентябргача

ЎҚУВЧИЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

1. **Тўқувчилик мастер ёрдамчилари группасига.** Ўқиш муддати 2 йил.

2. **Тўқувчи, йигирувчи, ровничница, крутильщица группаларига.** Ўқиш муддати 1 йилу 2 ой.

Ўқувчилар стипендия, овқат ва кийим билан таъминланади.

Қабул шартлари умумий тартибда.

Адрес: Тошкент шаҳар, Фрунзе район, Академическая кўча, 5-уй (9 ва 11-трамвайнинг «Богдан Хмельницкий» остановкаси).

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 06208. № 1876.